


**Ҳ.П.АБУЛҚОСИМОВ, А.О.ҲАЛИМБЕТОВ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР  
РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ  
ЙЎЛЛАРИ**

**Тошкент  
“ЎҚИСОД-МОЛИҲА”  
2008**



**Такризчилар:** Иқтисод фанлари доктори., проф. Б.Б.Беркинов  
Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори., проф.  
Е.Ш.Торениязов


**Абулқосимов Ҳ.П., Халимбетов А.О.**  
Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан  
фойдаланиш самарадорлигини ошириш  
йўллари. - Т.: "ИQTISOD-MOLIYA", 2008й.

Рисолада ернинг иқтисодий ресурс ва иқтисодий муносабатлар  
объекти сифатидаги моҳияти, ундан фойдаланиш даражасини ифодаловчи  
кўрсаткичлар ёритилган.

Унда Ўзбекистоннинг ер фонди ва қишлоқ хўжалиги ерларидан  
фойдаланиш тенденциялари, бу борада юзага келган муаммолар таҳлил  
килинган. Шунингдек, ишда Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ  
хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишнинг минтақавий хусусиятлари  
ўрганилган ва уларнинг самарадорлигини оширишнинг йўналишлари  
бўйича фикр мулоҳазалар келтирилган.

Рисола ушбу масалалар билан шуғулланувчи иқтисодчи олимлар ва  
тадқиқотчилар, одий ўқув юртлари талабалари, иқтисодиёт масалаларига  
кизиқувчиларга мўлжалланган.

HD 41256  
2



## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
<b>1-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b>	
1.1. Ер иқтисодий ресурс ва иқтисодий муносабатлар объекти сифатида.....	6
1.2. Ердан фойдаланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш тартиби.....	15
<b>2-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛЛАРИ</b>	
2.1. Ўзбекистон Республикаси Ер фондининг ва қишлоқ хўжалик ерларининг ўзгариши динамикаси.....	20
2.2. Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишнинг минтақавий хусусиятлари.....	31
<b>3-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ</b>	
3.1. Қишлоқ хўжалигида ерлардан фойдаланишда фермер, деҳқонлар масъулиятини ошириш.....	42
3.2. Қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш.....	46
3.3. Қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини яхшилаш йўллари.....	57
<b>Х У Л О С А.....</b>	<b>67</b>
<b>АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ.....</b>	<b>70</b>
<b>ИЛОВАЛАР.....</b>	<b>73</b>

## КИРИШ

Ер – жамият бойлигининг асоси ҳамда бошланғич манбаи, халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришнинг асосий пойдеворидир. У қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситасидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таъкидланганидек, “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур”<sup>1</sup>.

Асосий мақсад – мавжуд ер майдонларидан фойдаланишни яхшилаш, унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш эвазига одамларни озик-овқат маҳсулотларига, саноатнинг хом-ашёга бўлган талабини тўла қондириш, мамлакат иқтисодиётини юқори даражада ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишдир. Бу эса, ўз навбатида, айниқса қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқда бозор механизмларини ривожлантиришни тақозо этади.

Республика ҳудудидаги барча ресурслардан жумладан, қишлоқ хўжалик ерларидан йил мобайнида тўлиқ ва самарали фойдаланиш ниҳоятда долзарб муаммо ҳисобланади. Чунки аҳоли истеъмол қилаётган озик-овқат маҳсулотларининг 97 фоизига яқини шу ерлардан фойдаланиш натижасида ишлаб чиқилади. Бу масаланинг долзарблигини яна қуйидаги ҳолатлар ҳам исботлайди. Энг аввало мамлакат аҳолиси 1992-2007 йиллар мобайнида 25 фоиздан ортиққа кўпайди, уларни уй-жой, ер билан таъминлаш мақсадида 133,1 минг гектарга яқин ер ажратилди. Шунинг натижасида мамлакат бўйича бир кишига тўғри келадиган суғориладиган ерлар шу йилларда 14,7 фоизга камайиб 0,168 га ташкил этган, қишлоқ хўжалик ерларининг миқдори эса 15,1 фоизга камайиб, 1,029 гектарни ташкил этган. Шу билан биргаликда мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида турли хилдаги саноат, транспорт ва бошқа соҳа объектларини қуриш учун талаб этилган ерлар ажратилмоқда. Бу ҳол ҳам фойдаланилаётган ерларнинг майдони камайишига олиб келади. Юқоридаги ҳолатлар республикада келажакда ҳам содир бўлади. Демак, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер майдонлари борган сари қисқариб бориши мумкин экан. Бу ўз навбатида шу ерлардан оқилона, самарали фойдаланишни тақозо этади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон 2008. 11-бет.

Кишлоқ хўжалигида фойдаланишга мўлжалланган ер ресурсларидан Қорақалпоғистонда фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш муҳим долзарб аҳамиятга эга. Чунки бу минтақадаги оғир экологик шароит ва сув танқислиги ер ресурсларидан кишлоқ хўжалигида фойдаланишни йилдан-йилга кийинлаштириб юбормоқда.

Кишлоқ хўжалик ерларидан йил давомида тўлик ва самарали фойдаланиш зарурлигини эътиборга олган ҳолда унга олимлар томонидан катта эътибор берилмоқда. Республика Ер фонди шу жумладан кишлоқ хўжалик ерлари уларнинг миқдори, сифати ва улардан фойдаланиш масалалари Республика Президентининг асарларида тўлик ёритилган. Чунончи, иқтисодиётни ислох қилишнинг дастлабки босқичида асосий бойлигимиз бўлган ерга муносабатни ўзгартириш етакчи йўналиш бўлди. Кишлоқ хўжалигига доир қабул қилинган фармонлар, «Ер тўғрисида» ги Қонун кишлоқ хўжалигида муносабатларни қандай ташкил этиш, ерга қандай муносабатда бўлиш зарурлигини кўрсатиб берди. Ерлардан фойдаланиш, жумладан кишлоқ хўжалиги ер майдонларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг илмий масалалари билан республикамизнинг қатор етук иқтисодиётчи олимлари шуғулланишган. Жумладан, Акрамов Э.А., Хусанов Р.Х., Жўраев Т., Абдуғаниев А.А., Авазов И.К., Лапкин К.Н., Ким В.В., Жалилов Х.И, Торениёзов Е.Ш ва бошқалар томонидан бажарилган илмий-тадқиқотлар диққатга сазовордир. Лекин, айнан ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги шароитида ерлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўлларига бағишланган илмий-тадқиқотлар унчалик етарли эмас.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида кишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг минтақавий хусусиятлари, муаммоларини тадқиқ қилишга бағишланган ишларнинг етарли эмаслиги мазкур иш мавзусининг долзарблигидан далолат беради.

# 1-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕРДАН ҲОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

## 1.1. Ер иқтисодий ресурс ва иқтисодий муносабатлар объекти сифатида

Ҳар қандай жамиятда ва ҳар қандай мамлакатда ишлаб чиқариш, меҳнат фаолияти бирон-бир тарзда ер билан боғлиқдир. Ер ё бевосита ишлаб чиқариш омили бўлиб чиқади ёки ундан ишлаб чиқариш, маъмурий, турар жой ва бошқа биноларни, транспорт ва бошқа коммуникацияларни жойлаштириш учун ҳойдаланилади. Бирок бошқа кўп ишлаб чиқариш воситаларидан фарқли ўлароқ, ер ишлаб чиқаришнинг эркин такрор ҳосил қилинадиган омили эмас.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида ер тушунчасига ишлаб чиқариш воситаси, яъни иқтисодий ресурс сифатида меҳнат жараёнининг зарурий моддий шарт-шароити ва энг муҳим ашёвий омилларидан бири<sup>1</sup>, деб таърифланади. Ер инсон ҳаёти учун зарур бўлган моддий шароитлар орасида тупроқ қатлами, ер ости бойликлари, ўрмонлари, суви билан алоҳида аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқариш жараёнига киритилган ерга жонли ва буюмлашган меҳнат сарф этилиши билан у ишлаб чиқариш воситаси, яъни иқтисодий ресурс (омил) бўлиб қолади. Аммо моддий ишлаб чиқаришдаги турли тармоқларнинг ривожланишида ернинг иқтисодий ўрни турличадир. Ундирувчи саноатда ер жамият учун зарур бўлган бойликлар қазиб олиннадиган ҳазина бўлиб хизмат қилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ер, тупроқ унумдорлиги, табиий, биологик жараёнлар билан бевосита боғлиқдир. Ушбу тармоқда ер меҳнат жараёни вужудга келадиган умумий шароит ва майдон бўлишидан ташқари яна икки муҳим вазифани бажаради:

- биринчидан, ишлаб чиқариш жараёнида инсон таъсир курсатадиган меҳнат предмети;

- иккинчидан, инсон ўзи етиштирадиган қишлоқ хўжалиги ўсимликларига таъсир кўрсатишини таъминлайдиган ишлаб чиқариш куралидир<sup>2</sup>.

Ер маҳсулот ва хизматларни яратиб, уларни ишлаб чиқаришдан истеъмолга етказиб бериш учун зарур шарт-шароит ва энг муҳим

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси 3-жилд. –Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашри, 2002. 433-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси 3-жилд. –Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашри, 2002. 433-бет.

омил бўлганлиги сабабли муҳим иқтисодий ресурс ҳисобланади. Ер курраси ва қаъридаги табиий бойликлар – экиладиган ерлар, бошқа мақсадларда фойдаланиладиган ерлар миқдоран чекланган. Шу сабабли ер бошқа иқтисодий ресурслар каби чеклангандир. Ҳар қандай иқтисодий тизим шароитида ресурсларнинг чекланганлиги ва эҳтиёжларнинг чексизлиги ўртасида зиддият мавжуд. Бу зиддият – ер, айниқса, инсон фойдаланиши мумкин бўлган экиладиган ер миқдорининг чекланганлиги ва инсонлар иқтисодий-ижтимоий эҳтиёжларининг чексизлиги ўртасидаги зиддиятда ҳам намоён бўлади. Бу зиддият камёб, чекланган ресурслардан оқилона, самарали фойдаланиш, орқали ҳал этилади<sup>1</sup>. Аммо, кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг чекланганлиги ва ундан олинадиган маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларнинг чексизлиги ўртасидаги зиддиятни ҳал этиш анча мураккаб ҳисобланади. Чунки ер такрор ишлаб чиқарилмайдиган ишлаб чиқариш воситаси бўлиб, геологик, иқлимий ва бошқа омилларга боғлиқ. Ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш йўли билан янги ерларни ўзлаштириб, кишлоқ хўжалиги учун яроқли ерларга айлантириш мумкин. Бирок унинг ҳам ниҳояси бор. Ернинг табиий чегараланганлиги ундан интенсив фойдаланиш зарурлигини тақозо қилади. Ер ўрнини тўлдириб бўлмайдиган ишлаб чиқариш воситасига мансубдир. Техника билан қуролланишнинг ўсиши ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражасига қараб кишлоқ хўжалиги ерларини кўпайтириш, уларнинг асосий қисми-ҳайдаладиган ерларнинг салмоғини ошириш имконияти пайдо бўлади. Аммо саноатнинг ривожланиши натижасида бунинг акси ерларнинг кишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетиш жараёни ҳам юз беради. Ҳар йили кенг миқёсда саноат, қурилиш, транспорт эҳтиёжлари учун, катта миқдорда ер ажратилади. Унинг асосий қисми кишлоқ хўжалиги ерлари ҳиссасига тўғри келади. Фақат кишлоқ хўжалигида ер асосий ишлаб чиқариш воситасидир.

XXI аср бошидан буён ер куррасида мавжуд 13 млрд гектар ер майдонидан 1,5 млрд гектар (қуруқликнинг тахминан 10%) ҳайдалиб, деҳқончилик қилинади. Инсониятнинг деҳқончилик тарихида тахминан 2 млрд гектар унумдор ерлар сув бостирилиши, шўрланиши, чўлга айланиши, қурилиш ишлари олиб борилиши

<sup>1</sup> Қаранг: Ўлмасов А., Вохобов А., Иқтисодий назарияси. Олий ўқув юртлири учун дарслик. –Т.: Шарқ, 2006. – 35-36-бет.

туфайли йўқотилган. Ҳозир дунё бўйича ҳар йили 6-7 млн гектар унумдор ерлар кишлок хўжалиги тасарруфидан чикиб кетмоқда.

Ўрта Осиё минтақасида ер ресурсларининг энг қимматли муҳим қисми-суғориладиган ерлар. Тўғри фойдаланилганда бериладиган маҳсулоти бўйича 1 гектар суғориладиган ер 6-7 гектар лалмикор ерга, 50 гектар баланд тоғли ва 100 гектар чўл яйловига тенг. Ўрта Осиё минтақасида 6,8 млн гектар атрофида суғориладиган ер бор. Жаҳон бўйича 271,432 млн гектар ер суғориладиган ерлардир<sup>1</sup>.

Ернинг истеъмол қийматини яратувчи ва айна бир пайтда унинг меҳнат предмети ва меҳнат воситаси бўлишини таъминлайдиган асосий хоссаси – унинг унумдорлиги, яъни ернинг ўсимликлар ўсиши учун зарур бўлган озик-моддалар билан таъминлаш хусусиятидир. Тупроқ унумдорлиги табиий, сунъий, потенциал, ҳақиқий ҳамда иқтисодий турларга ажратилади.

Тупроқнинг табиий унумдорлиги табиатнинг ўзи орқали ҳосил бўлади. У узок давом этадиган тупроқ пайдо бўлиши жараёни натижасида иқлим, ўсимликлар, жойнинг рельефи, она жинслари таъсирида пайдо бўлади ва ривожланади. У тупроқнинг физик, кимёвий ва биология хоссалари билан тавсифланади. Аммо табиий унумдорликка асосланиб, ернинг ҳақиқий сифатига баҳо бериб бўлмайди. Тупроқда ҳақиқатдан жуда кўп озук моддалари бўлиши мумкин.

Сунъий, ёки иқтисодий унумдорлик табиий унумдорликка эга бўлган ер майдонларида тупроққа инсон меҳнатининг кўшилиши натижасида ҳосил бўлади. Инсон ерни суғоради, чопади, юмшатади, унга ўғит солади яъни ерга меҳнат ва капитал сарф қилади. Натижада тупроқ унумдорлиги ошади. Аммо табиий ҳамда сунъий унумдорликлар ўртасидаги фарк кўп жиҳатдан шартли, абстракт ҳисобланади. Чунки бу хиллардаги унумдорликлар соф ҳолда алоҳида намоён бўлмайди.

Турлича табиий унумдорликларга эга бўлган майдонлардаги махсус кишлок хўжалик экинлари бутун ўсиш даврида фақат табиий озик моддаларини ўзлаштирибгина қолмасдан, балки улар ўсиши ва ривожланишига сарфланадиган харажатлар тупроқни юқори даражада чиқинди билан бойиб боради. Бунинг натижасида тупроқ унумдорлиги пасайиб кетмайди, аксинча бунда унинг ижобий фазилати намоён бўлади, яъни унинг унумдорлиги ошади. Демак,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси 3-жилд –Т: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашри, 2002. 434-бет.



кишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ердан фойдаланиш тўғри ва оқилона ташкил этилганда у ишдан чиқмайди, балки экинлар тупрокни бойитади ҳамда шу орқали янги табиий унумдорлик яратилади.

Потенциал ва ҳақиқий (самарали) унумдорлик деб табиий – иқлимий ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда тупрокнинг кишлоқ хўжалик экинларини озик-моддаларга бўлган талабини кондириши қобилиятига айтилади. Инсон бу жараёни бошқариши тупрокни ишдан чиқаришга йўл қўймаслик, ундаги озик моддаларини ўсимликлар ўзлаштиришига имкон яратишиб беради.

Ер майдонларининг чегараланганлиги, тупрокнинг хилма-хиллиги, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг доимий ўсиб бориши сафат жиҳатидан мақбул ва мақбул бўлмаган ерлардан ҳам фойдаланишни талаб қилинади. Бу эса, ўз навбатида, капитал маблағлар ҳажмини ошириш, маълум потенциал унумдорликка эга бўлган ерларга кўшимча меҳнат сарфлаш йўли билан зришилади. Тупрокнинг иқтисодий унумдорлиги сарфланган капитал маблағлар миқдорига, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиш даражасига, маҳсулотларни қайта ишлаш ҳамда сотиш инфратузилмаларининг ривожланганлигига ва бошқаларга боғлиқдир.

Айтиш жоизки, суғориладиган дехқончилик шароитида ер билан бир каторда, суғориш суви ҳам асосий ишлаб чиқариш воситасига айланади. Физик жисм ҳисобланган сув фақатгина суғориш суви ҳолатида, яъни тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш жараёнида катнаша бошлаганида ишлаб чиқариш воситаси вазифасини бажара олади. Суғориш суви ернинг табиий хусусиятларига таъсир этиб тупрокдаги жараёнларни тезлаштиради, яъни тупрокнинг потенциал унумдорлиги элементларини ҳаракатга келтиради. Шундай қилиб, суғориш суви тупрокнинг табиий унумдорлигини иқтисодий унумдорликка айланишига имкон беради.

Ердан фойдаланиш унга эгалик ҳуқуқига боғлиқ. Ер эгалиги муайян ҳуқуқий асослар, яъни мулкка, ерни тасарруф этиш ва мерос қолган ердан умрбод фойдаланишга ва ижарага оид ҳуқуқларга мувофиқ ерга эгалик қилиш, хўжалик оборотига ва бозор иқтисодий механизми таркибига киритиладиган ердан фойдаланиш шакли ҳисобланади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси 3-жилд. –Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашри, 2002. 446-бет.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида “ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир<sup>2</sup>”, - деб белгилаб қўйилган. 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ер кодексига биноан, Ер давлат мулки, умуммиллий бойлик ҳисобланади. Ер давлат томонидан муҳофаза этилади, олди – сотди қилинмайди, айирбошланмайди, ҳада этилмайди, гаровга қўйилмайди (ЎЗР қонунларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно)<sup>3</sup>.

Ер кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахслар доимий эгалик қилиш, фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида, жисмоний шахслар эса мерос қилиб қолдириладиган ерга умрбод эгалик қилиши, доимий фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин. Ер участкаларини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш (реализация қилиш) ер ажратиш тариқасида амалга оширилади. Ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Ер участкаларини ижарага бериш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади<sup>4</sup>.

Ерга эгалик, ердан унумли, оқилона фойдаланиш мамлакатимизда амалга оширилаётган аграр иқтисодий ислохотларнинг мақсадларидан бири ҳисобланади.

«Аграр секторни тубдан ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш муаммолари ислохотларнинг дастлабки босқичида ҳамда Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Биз қишлоқнинг устун даражада ривожланишини таъминлашни, қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатидан янги асосларда қайта тиклашни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик.»<sup>5</sup> деб таъкидлаган Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов. Шунга асосланган ҳолда давлат қишлоқ хўжалигида бозор иқтисоди муносабатларини барпо этиш мақсадида ислохотлар мажмуасини ишлаб чиқди ва уларнинг ҳуқуқий асосларини ҳам яратмоқда. Бунга республика Олий Мажлиси томонидан қабул

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси –Т.: Ўзбекистон, 2008. 55-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. 1998 йил 30 апрель. 16-модда.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 1998 йил 30 апрель. 17-24-моддалар.

<sup>5</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотлари чуқурлаштириш йўлида. Т.Ўзбекистон, 1995. 59-б.

қилинган қуйидаги қонунлар, Президентнинг фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари яққол мисол бўлади Ўзбекистон Республикасининг:

- «Ер кодекси»;
- «Мулк тўғрисида» ги;
- «Ижара тўғрисида» ги;
- «Тадбиркорлик тўғрисида» ги;
- «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» ги;
- «Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлар) тўғрисида» ги;
- «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги;
- «Қишлоқ хўжалиги қорхоналарини санация қилиш тўғрисида» ги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг «қишлоқ хўжалик маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида» ги қарори, Республика Президентининг «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва бошқа фармонлари шулар жумласидандир.

«Ер кодекси» да қишлоқ хўжалиги эҳтиёжи учун берилган ерларнинг негизини белгилаш билан биргаликда уларнинг таркибини ҳам аниқ белгилаб берган. Унга хайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, ташландиқ ерлар, кўп йиллик боғлар, тоқзорлар, тутзорлар, мевазорлар кириши белгиланган.

Ерлар қонунда белгиланган тартибда қишлоқ хўжалик қорхоналарига берилади. Бу тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида» ги Фармонида янада ривожлантирилган. Дехқон хўжаликларида ерга нисбатан муносабатни янада мустаҳкамлаш мақсадида ерни умрбод мерос қолдириш ҳуқуқи билан фойдаланишга бериш тартиби амалга оширилмоқда.

Шу сабабли ер ресурсларидан фойдаланишни режалаштиришда ва бошқаришда давлат ҳокимияти маҳаллий органлари билан ҳамкорликда ер фондидан фойдаланишни яхшилашга, тупрок унумдорлигини сақлаш ва оширишига қаратилган, илмий жиҳатдан асосланган аниқ чора-тадбирлар тизимини жорий этиш ва қўллаш давр талабига айланмоқда.

Ўтган давр мобайнида бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган қонунчилик ва ҳуқуқий асосни яратиш, давлат мулкани

хусусийлаштириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ва аграр муносабатларнинг янги шаклларини жорий қилиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилганини ва бу ишлар ўз натижаларини бераётганлигига қарамай Президентимиз таъкидлаганидек, ўтказилаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан қишлоқ хўжалиги ҳамон мамлакатимиз иқтисодиётида жорий этилаётган ислохотларга, бутунги ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган ўзгариш ва талабларга амал қилиш йўлида энг оғир соҳалардан бўлиб қолмоқда.

Фермер хўжалиқларига қишлоқ хўжалиги ерларини узок муддатли ижарага берилиши натижасида ер ўз эгасини топмоқда, ерга муносабат ўзгармоқда ҳамда ер ва сув ресурсларидан тежамли, оқилona фойдаланиш масалалари ижобий томонга ўзгармоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, каерда хўжалиқ юритиш тўғри йўлга қўйилиб, мулкка муносабат яхши томонга ўзгарган бўлса, ўша жойда ривожланиш, ўсиш, моддий манфаатдорлик кузатилмоқда.

Бу ўринда ерга мулкчилик масаласини ҳал қилиш, ширкат хўжалиқларини айникса, зарар кўриб ишлаётганларини фермер хўжалиқларига айлантириш, қишлоқ хўжалиги ишларидан бўшаганларни саноат корхоналарга жалб қилиш каби масалалар Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига шароитида, аграр сиёсатида асосий йўналишлардан бири бўлиб келмоқда.

Ҳозирги шароитда Ер ресурсларини бошқариш – бу иқтисодий, техникавий, ташкилий, хўжалиқ ва давлатнинг ҳуқуқий тадбирлари билан узвий боғлиқдир. Умумжамият манфаати йўлида ерлардан самарали фойдаланишни таъминлаш ва Ер ресурсларини бошқаришда қуйидаги асосий ташкилий-иқтисодий тамойиллар мавжуд:

-ер ресурсларини бошқаришда иқтисодий масалаларни ечиш билан биргаликда бевосита давлат сиёсатидан келиб чиқиб ягона давлатчилик, иқтисодий, экологик ва технологик ёндошиш;

-ер ва бошқа табиий ресурслардан оқилona фойдаланиш масалаларини комплекс ечиш, асосий бўғинлардаги айрим боғлиқликларнинг узилиши бир бутун тизимда тузатиб бўлмас ҳолатларни келтириб чиқаришини ҳисобга олиш;

-мамлакат ҳудудларининг турли табиий-иклим минтақалари бўйича тубдан фарқланишидан келиб чиқиб экинларни жойлаштиришда ва ер ресурсларидан самарали фойдаланишда уларни минтақавий хусусиятларини ҳисобга олиш;

-суғориладиган ерларнинг устиворлигини таъминлаш Ер кишлок хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб, у «Ер Кодекси»да ўз тасдиғини топган.

Ер ресурсларини бошқариш жараёнида Давлат ер кадастрини юритиш ва бу асосда ер ресурсларини башоратлаш ва режалаштиришга асосий эътиборни қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ер ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш учун иқтисодий ислохотларнинг бошланғич босқичларида ишлаб чиқилган асосий хужжатлар қуйидагилар хисобланади:

1. Тупрок унумдорлигини ошириш ва уни қайта тиклаш, ерлардан фойдаланишни яхшилаш ва муҳофаза этиш миллий дастури концепцияси.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиқлаган (1998 йил), «1998-2000 йилларда кишлок хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури».

Келажақда ер ресурсларидан фойдаланиш ва ерларни муҳофаза қилиш бўйича Ер ресурсларини бошқариш стратегияси ва умумдавлат комплекс режаси ишлаб чиқиш зарурлиги кўриб чиқилмоқда. Ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш режа-чизмасида фан ва техника, кишлок ва ўрмон хўжалиги, саноат, энергетика ва транспорт, капитал қурилиш, аҳоли пунктларини ривожлантириш дастури барча ҳолатларда ўзаро мувозанатда ишлаши зарурдир.

Ер ресурсларини бошқариш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича тузилган қуйидаги дастурлар муҳим ўрин тутади:

-2003-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси ер ва сув ресурсларидан тежаб ва самарали фойдаланиш дастури;

-2010 йилгача бўлган даврда ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастури;

-Биологик хилма-хилликни сақлаш, қурғоқчилик ва чўлланишга қарши кураш миллий ҳаракат режаси;

- 2003-2005 йилларга мўлжалланган инвестицион дастурлар;

- 2003-2007 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси кишлок хўжалигида ишлаб чиқаришни устувор ривожлантириш дастури;

- Амударё қуйи қисмида қурғоқчилик ва сув танқислиги оқибатларини олдини олиш ва оғоҳлантириш миллий стратегияси;

- Орол денгизи ҳавласида кризис оқибатларини юмшатиш масалалари бўйича Марказий Осиё давлатларининг ҳамкорлик минтақавий дастури.

Юқоридаги дастурларда катта ёки кичик ҳажмда кўрсатилган ишлар асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

- тупроқ унумдорлиги ва суғориладиган ерларнинг ишлаб чиқариш қобилиятини оширишга қаратилган агромелиоратив тадбирларни ўтказиш. Бу эса ерларнинг ҳар хил тупроқ эрозияси, емирилиш жараёнларини тўхтатиб, ер ресурсларидан самарали фойланиш қобилиятини оширади;

- минтақавий қўллашда сув ресурсларидан кенг миқёсда оқилона фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда уларни такомиллаштириб бориш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226-сонли «Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги фармони қишлоқ хўжалик ерларидан ижара асосида фойдаланиш асосини яратиб берди ва шу асосда фаолият кўрсатиб келаётган ширкат хўжаликларида ер участкасига бўлган доимий эгалик ҳуқуқидан ижара муносабатларига ўтиш, фермер хўжаликларига тегишли бўлган ерларни қишлоқ хўжалик ширкатлари балансидан чиқариш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йили 5 ноябрдаги 486-сонли «Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Қарор талабларига асосан илгари фермер хўжаликларига берилган ер участкалари қишлоқ хўжалик ширкатлари балансидан чиқарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сонли «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш мақсадида ер тузиш, ер кадастри ва картографик ишларда компьютер технологияларини жорий этиш бўйича муайян ишлар қилинди.

«Ер ресурслари давлат кўмитасининг автоматлаштирилган ер кадастри ахборот тармоғи» ТИА лойиҳаси ишлаб чиқилди ва тегишли вазирликларда кўриб чиқилмоқда. Лойиҳада республиканинг барча ҳудудларида автоматлаштирилган давлат ер кадастри тармоқларини кенгайтириш ва жорий этиш кўрсатилган.

## 1.2. Ердан фойдаланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш тартиби

Ер кишлок хўжалик корхоналарининг энг асосий воситасидир. Шунинг учун улардан хўжаликлар йил давомида оқилоналик билан тўлиқ ва самарали фойдаланишлари зарур. Бунинг учун улар ички ва ташки бозор талабларини эътиборга олган ҳолда қачон қандай маҳсулотларни ишлаб чиқарилишини таъминлашлари мақсадга мувофиқдир. Ерлардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш зарурлиги, диссертациямизнинг биринчи параграфиди таъкидлаганимиздек, уни табиатан чекланганлиги ҳамда унга нисбатан талабнинг ошиб бориши билан исботланган. Шунинг учун, умуман, ер фондидан тўлиқ фойдаланиш деганда уларни жамиятнинг барча соҳаларига оқилона жалб этилганлигини эътиборга олишимиз лозим. Бу масаланинг ижобий ҳал этилиши мамлакат ишлаб чиқариш кучларининг мақсадга мувофиқ жойлашиши билан ҳам боғлиқ. Бир сўз билан айтганда, Республика худудидаги барча ерлар у ёки бу мақсадни ҳал этишга қаратилганлиги билан банд бўлиши лозим. Яъни бўш, бекор, фойдаланмасдан ётган ерлар назарий ҳамда амалий жиҳатдан бўлиши мумкин эмас. Демак, барча турдаги ерлар доимо тўлиқ банд бўлиши керак экан, шунда барча ерлар тўлиқ фойдаланган ҳисобланади. Тўлиқ фойдаланмаслик, яъни маълум миқдордаги ерни банд бўлмаганлиги мамлакат, хўжалик, оила иқтисодига сўзсиз таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга, кишлок хўжалик ерларининг таркибини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, шу ерларнинг таркибида ҳайдаладиган ва сугориладиган ерларнинг, боғ ва тоқзорларнинг салмоғини ифодаловчи кўрсаткичлар алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки ушбу кўрсаткичлар даражаси қанчалик юқори бўлса маҳсулдор ерлар кўплигини акс эттиради, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори эканлигидан далолат беради. Сабаби ҳозирги даврда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг 95-97 фоизига яқини ҳайдаладиган сугориладиган ерларда етиштирилади. Шунинг учун хўжаликлар кишлок хўжалик ерларини таркибида ҳайдаладиган ҳамда сугориладиган ерларнинг салмоғининг юқори бўлишини таъминлашга интилишлари мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун улар ўз имкониятларини эътиборга олган ҳолда шундай ер майдонларини кўпайтиришга ҳаракат қилишлари лозим.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиш мумкин бўлган ерлардан бир йил мобайнида неча марта фойдаланганлик даражасини ифодаловчи кўрсаткич ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Республика худудида қулай табиий, иқлим шароитлари ҳар бир гектар ердан йил давомида тўлиқ фойдаланиш мақсадида бир неча марта фойдаланиш имконияти мавжуд. Масалан, кузда дон экилиб, баҳорда дон, йиғиштириб олингандан сўнг шоли ёки сабзавот экиш мумкин ёки баҳорда картошка, сабзавот, полиз маҳсулотларини экиб уларни йиғиштириб олиш натижасида кузда ғалла, сабзавот ва бошқа экинларни экиш мумкин бўлади. Шунда мавжуд бўлган бир гектар ердан бир йилда икки-уч марта фойдаланиш мумкин. Бу масалани хўжаликларда иссиқхоналарни ривожлантириш йўли билан ҳам ҳал этиш мумкин. қишлоқларда ер майдонидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида уй-жой қурилишини энига кенгайтириш ҳисоби ўрнига келажакда бўйига (яъни 2-3 этажли) ривожлантириш зарур бўлади. қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлик даражасини ҳам аниқлаш жуда зарур. Уни мамлакат, тармоқ, корхона, соҳалар бўйича ҳам аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу кўрсаткичлар ёрдамида Республика, қишлоқ хўжалиги, корхона ҳамда экин турлари бўйича ҳар бир гектар ердан қанча маҳсулот, фойда олинаётганлиги аниқланади. Жумладан:

- мамлакат миқёсида бир гектар қишлоқ хўжалиги ери ҳисобидан етиштирилган ялпи ички маҳсулот қиймати;

- қишлоқ хўжалиги бўйича бир гектар ердан етиштирилган ялпи маҳсулот қиймати;

- хўжалик миқёсида бир гектар фойдаланилаётган қишлоқ хўжалик еридан етиштирилган ялпи маҳсулот қиймати, олинган соф фойда суммаси;

- қишлоқ хўжалик экинларининг ҳар бир гектаридан олинган ялпи маҳсулот миқдори ва қиймати, олинган озиқа бирлиги ва бошқалар.

Бу кўрсаткичлар доимо юқорига интилиши лозим. Яъни мамлакат, тармоқ, хўжалик миқёсида ҳар бир гектар ердан олинган маҳсулот, соф фойда суммаси миқдори қанчалик юқори бўлса, улар ерлардан самарали фойдаланилаётганлигидан далолат беради. Бу кўрсаткичлар нисбий, натура ҳамда қиймат шаклида аниқланиши мумкин. Уларни қуйидаги тартибда тизимлаштириш мумкин (1.1.1-чизма).



**Қишлоқ хўжалик ерларидан тўлик ва самарали фойдаланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими<sup>1</sup>**

Микёси	Фойдаланиш даражаси	Фойдаланиш самарадорлиги
Республика ↑ қишлоқ хўжалик тармоғи ↑ Хўжалик ↑ Экин турлари	-Ердан фойдаланиш коэффициенти; -бир гектар ердан неча марта фойдаланганлик даражаси; -қишлоқ хўжалик ерлари ва турларининг салмоғи, жумладан: -экинзорларнинг, шундан, сугориладиганининг	Бир гектар ердан фойдаланиш ҳисобига етиштирилган: -ялпи ички маҳсулот; -ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти қиймати; -олинган ялпи даромад; -олинган соф фойда -экинларнинг ҳосилдорлиги; -олинган озуқа миқдори.

Манба: Давлатнинг аграр сиёсати. /Ҳ.П.Абулқосимовнинг илмий таҳрири остида. –Т.: Akademiya, 2006. 151-бет.

Қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш даражасини ҳамда самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш тартиби қуйидагича бўлиши мумкин.

а) Умумий ер фондидан фойдаланиш коэффициентини (фоизи). Унинг даражасини аниқлаш учун қишлоқ хўжалигида ҳақиқатда фойдаланилган ер майдонини фойдаланиш мумкин бўлган ер майдонига тақсимлаш лозим. Буни қуйидаги тенглик ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$EФК = \frac{ФЕ}{ФМЕ}; \text{ ёки } (ФЕ : ФМЕ) \cdot 100\%$$


Бунда: ЕФК-умумий ер фондидан фойдаланиш коэффициентини, (фоизи);

ФЕ-қишлоқ хўжалигида фойдаланилган ер майдони, га;

ФМЕ-фойдаланилиши мумкин бўлган ер майдони, га.

Бу кўрсаткич коэффициентда ёки фоизда аниқланиши мумкин. Уни аниқлаш натижасида ердан фойдаланишнинг тўлиқлик даражаси

<sup>1</sup> Давлатнинг аграр сиёсати. /Ҳ.П.Абулқосимовнинг илмий таҳрири остида. –Т.: Akademiya, 2006. 151-бет.



аниқланади. Унинг ҳақиқий даражаси, яъни коэффициенти 1 дан ёки 100 фоиздан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Бу кўрсаткични аниқлаш натижасида тармоқда (хўжалиқда) қанча ердан фойдаланилган ва қанчасидан фойдаланилмаганлиги билинади. Шундан сўнг, бундай ҳолатнинг сабаблари аниқланиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

б) Фойдаланиш мумкин бўлган ерлардан бир йилда неча марта фойдаланилганлик даражаси. Уни аниқлаш учун ҳақиқатда уруғ, чигит экилган майдонни мавжуд экин экилган ер майдонига тақсимланади. Бунда қуйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$EFC = UEM/OM$$

Бунда: EFC-ердан фойдаланиш сони, яъни 1 га майдондан неча марта фойдаланилганлик сони;

UEM-бир йил мобайнида уруғ, чигит экилган майдон, га;

OM-фойдаланилган ер майдони, га;

Бу кўрсаткич ёрдамида бир майдонга неча марта экин экиб, фойдаланилганлик даражаси, яъни сони аниқланади. Демак, унинг сони бирдан кўп бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун мавжуд бўлган ерлардан бир неча марта экин экиб, ҳосил олишга интилиш лозим.

в) Ер (экин) майдонларининг маҳсулдорлиги, ҳосилдорлиги. Бу кўрсаткич асосан, экин турлари ҳамда умумий майдон бўйича, натурал ҳамда қиймат кўринишларида аниқланади, яъни улар 1 гектар фойдаланилган майдондан қандай маҳсулотларни қанча миқдорда (кг, цен, тонна) ҳамда неча сўмлик маҳсулот ёки фойда олинганлиги аниқланади. Бунинг учун қуйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$EX = YX/EM$$

Бунда: EX-1 га экин майдонидан олинган ҳосил миқдори, ц;

YX-экин экилган майдондан олинган ялпи ҳосил миқдори, ц. ёки тоннада;

EM-экин экилган ҳақиқий майдон, га.

Бу кўрсаткич ёрдамида 1 гектар экин экилган майдондан қанча миқдорда ҳосил олинганлиги экин турлари бўйича алоҳида-алоҳида аниқланади. Унинг миқдори қанча кўп бўлса шунча яхши. Бу

кўрсаткич у ёки бу экин экилган майдоннинг маҳсулдорлигини исботлайди. Жами экин майдонлари маҳсулдорлигини аниқлаш учун кўрсаткични қуйидаги қиймат кўрсаткичларида аниқлаш керак, бунинг учун эса ҳар бир экиннинг ялпи ҳосил қийматини аниқлаб олиш лозим. Сўнгра уларнинг йиғиндисини аниқлаш керак.

$$EM = (ЯМК/ЭМ) : (ЯД/ЭМ) : (СФ/ЭМ)$$

Бунда: EM-фойдаланилган ерларнинг маҳсулдорлиги. Яъни, бир гектар экин экилган ёки яйлов, пичанзор майдондан неча сўмлик ялпи маҳсулот, ялпи даромад ҳамда соф фойда олинганлиги аниқланди;

ЯМК-олинган ялпи маҳсулот қиймати, сўмда;

ЭМ-экинлар экилган майдон, га;

ЯД-олинган ялпи даромад суммаси;

СФ-олинган соф фойда суммаси.

Юқорида кўрсатилган кўрсаткичлардан республика, тармоқ, корхона миқёсида мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги ерларидан тўлиқ фойдаланиш, шунингдек, унинг тўлиқлигини ва иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин.

## 2-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛЛАРИ

### 2.1. Ўзбекистон Республикаси Ер фондининг ва қишлоқ хўжалик ерларининг ўзгариши динамикаси

Ўзбекистон Республикасининг чегаралари доирасидаги ерлар майдони мустақиллик йиллари давомида ўзгариб, 2007 йилнинг 1 январ ҳолатига 44896,9 минг гектарни ташкил қилди. Республикамининг 505,5 минг гектар ерларидан қўшни Марказий Осиё давлатларининг қорхона ва ташкилотлари, қўшни давлатларнинг 18,9 минг гектар ерларидан Республикамининг қорхона ва ташкилотлари фойдаланади. Шундай қилиб, 2007 йил 1 январ ҳолатига Ўзбекистон Республикаси қорхона, ташкилот, муассаса ва фуқаролари фойдаланишида жами 44410,3 минг гектар ер (заҳира ерлар билан ҳисобланганда) мавжуд.

Фойдаланиш мақсадига қараб Республика ер фонди 8 та тоифага бўлинади:

- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар;
- аҳоли пунктлари ерлари;
- саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган ерлар;
- табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларида фойдаланиладиган ерлар;
- тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар;
- ўрмон фонди ерлари;
- сув фонди ерлари;
- заҳира ерлар.

Республика Ер фондининг ўзгаришини 2.1.1-жадвалдан кўриш мумкин.

2.1.1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалик қорхоналари, ташкилотлари ва муассасалари фойдаланаётган бўлган ерлар майдони 1990 йилга нисбатан 2007 йилга келиб 10796,5 минг гектарга камайган.

Бу ўзгариш республика ҳудудида яйлов ерларининг ўрмон ер тоифаларига ўтиши муносабати ҳамда бошқа тоифадаги ерлар майдони ошиши ҳисобига рўй берган. Умуман олганда, ер фонди умумий майдонининг 1174,7 минг гектарга камайиши фақат узок

муддатга фойдаланишга олинган яйлов ерларнинг чегарадош давлатларга қайтариб берилганлиги сабабли келиб чиққан.

## 2.1.1-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси ер фондининг тоифалари бўйича таркиби ва ўзгариши<sup>1</sup>

Ер тоифалари	1990й. 01.01.		2000й. 01.01.		2007й. 01.01.	
	минг. га	%	минг. га	%	минг. га	%
<b>1. Қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлар</b>	33167,8	72,76	24968,6	56,3	22371,3	50,4
<b>2. Аҳоли пунктлари ерлари (шаҳар ва шаҳар туридаги ерлар).</b>	197,2	0,43	234,0	0,5	237,8	0,5
<b>3. Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаза ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган ерлар</b>	1821,2	4,00	1928,1	4,3	1970,9	4,4
<b>4. Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларида фойдаланадиган ерлар</b>	13,9	0,03	72,5	0,2	72,4	0,2
<b>5. Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар ва бошқа ерлар</b>			509,1	1,2	0,3	0
<b>6. Урмон фонди ерлари</b>	2507,5	5,50	8409,2	18,9	8543,8	19,2
<b>7. Сув фонди ерлари</b>	618,8	1,36	819,2	1,8	825,0	1,9
<b>8. Захира ерлар</b>	7258,6	15,92	7469,6	16,8	10388,5	23,4
<b>Жами ерлар</b>	<b>45585,0</b>	<b>100,0</b>	<b>44410,3</b>	<b>100,0</b>	<b>44410,3</b>	<b>100,0</b>

Республика Ер фондининг хўжалик мақсадидаги вазифаларига қараб бўлиниши у ёки бу мақсадда фойдаланишга берилган ерлар бажарадиган функциялари фарқига боғлиқдир.

Масалан, қишлоқ хўжалигида ер ишлаб чиқаришнинг бош воситаси ҳисобланиб, хўжалик юритиш шаклларида таркибий

<sup>1</sup> Ўзбекистон ер ресурслар давлат қўмитаси миллий ҳисоботи.

ўзгаришларни амалга ошириш учун худудий асос бўлиб хизмат килади.

Ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишнинг янги шакллари ривожланмоқда. Булар фермер хўжаликлари, хусусийлаштирилган чорвачилик фермалари, ҳар хил кооператив турлари, ижара ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналаридир.

Қишлоқ хўжалик ер турлари ер сиртининг қисми бўлиб, маълум табиий-тарихий хусусиятларига эга, ундан аниқ мақсадларда фойдаланиш имкони бор. Республика Ер фонди таркибига қишлоқ хўжалик ерлари (экин ерлар, пичанзорлар, яйлов, бўз ерлар, кўп йиллик дарахтлар билан банд ерлар); томорқа, экилган ўрмон дарахтлари, мелиоратив қурилиш, сув ости, йўл ости, иморатлар билан банд ва бошқа ерлар қиради.

Бу тоифадаги ерларга шаҳар ва шаҳарчалар маъмурий чегараларида бўлган ҳамда қишлоқ ва овуллар худудида жойлашган аҳоли пунктлари киритилган. Аҳоли пунктлари ерлари майдони 2007 йил 1 январ ҳолатига 237,8 минг гектар, ёки жами ерларнинг 0,5% ни ташкил килади. Бу майдонга қишлоқ ва ўрмон хўжалиги корхона, ташкилот ва муассасалари худудида жойлашган аҳоли пунктлари ерлари киритилмаган. Бу ерлар ушбу корхона, ташкилот ва муассасалар ер баланси таркибида томорқа ерлари сифатида кўрсатилган. Буларнинг майдони 607,5 минг гектарни ташкил килади.

Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган ерларга кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш учун ҳуқуқий шахсларга берилган ерлар қиради. Бу тоифадаги ерлар ташкилотларга юкланган вазифаларни бажариш учун белгиланган тартибда меъёрий ёки лойиҳа-техник ҳужжатлар асосида берилади. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган ерларнинг майдони 2007 йил 1 январ ҳолатига кўра 1970,9 минг гектар, ёки жами ерларнинг 4,4 %ни ташкил килади.

Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларида фойдаланиладиган ерларнинг умумий майдони 72,4 минг гектардир. Бу ерларга алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий худудлар эгаллаган, табиий-даволаш омилларига эга бўлган, шунингдек, оммавий дам олиш ва туризм мақсадларида фойдаланиладиган ерлар қиради. Бу тоифадаги ерлар майдонининг асосий қисмини кўрикхоналар ва миллий боғлар эгаллайди. Давлат табиий кўрикхоналари табиатни муҳофаза қилиш, илмий-тадқиқот ва

экологик-маориф муассасалари бўлиб, мақсади-табиий жараён ва ҳодисаларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генетик фондини, ўсимлик ва ҳайвонларнинг айрим тур ва туркумларини, типик ва ноёб экологик тизимларини табиий ҳолатда саклаб қолиш ва ўрганишдан иборатдир.

Тарихий-маданий мақсадларда фойдаланадиган ерлар-тарихий маданий ёдгорликлар билан банд ерлардир. Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация ва тарихий-маданий мақсадларда фойдаланадиган ерларнинг умумий майдони 2007 йил 1 январ ҳолатига кўра 0,3 минг гектарни ташкил қилади.

Ўрмон фонди ерларига ўрмон билан қопланган ҳамда қопланмаган, лекин ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар киради. Бу тоифадаги ерлар майдони 2007 йил 1 январ ҳолатига 8543,8 минг гектарни, ёки жами ерларнинг 19,2% ни ташкил қилади. Ўрмон ҳудудларини табиатни муҳофаза қилиш хусусиятлари ва ўрмонзорларни қайта тиклаш жараёни узок кечишини ҳисобга олиб уларни муҳофаза қилиш ва кўпайтириш муаммосига катта эътибор берилишини талаб қилади. Шу сабабдан 1991 йилдан бошлаб кишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланадиган ерлардан 890,1 минг гектар ўрмон фонди ерлари тоифасига ўтказилди, бу эса ўрмон фонди ерлари майдонини ошириш ва шу асосда тупроқлар дегрессияланиши ва хўжалик мақсадларида ўрмон дарахтларининг кесилишини олдини олишда муайян даражада қулай шароит яратади.

Сув фонди ерларига гидротехник ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари билан банд бўлган, ҳамда сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхона, ташкилот ва муассасаларга белгиланган тартибда берилган сув иншоотлари ёқасидаги химоялаш зоналари ерлари киради. Сув фонди ерлари майдони 2007 йил 1 январ ҳолатига кўра 825,3 минг гектар, ёки умумий ер майдонининг 1,9% ни ташкил қилади.

Заҳира ерларга барча ерлар (шу жумладан, сув ости ерлари)-эгаллик қилишга, фойдаланишга ва ижарага берилмаган, ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга мулк сифатида сотилмаган ҳамда бошқа ер тоифаларида ҳисобга олинмаган ерлар киради. Заҳира ерлар майдони 2007 йил 1 январ ҳолатига кўра 10388,5 минг гектар ёки умумий майдонининг 23,4%и га тенг.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат бўлгандан сўнг кўшни давлатлар билан СССР даврида шаклланган тартибни ўзгартириш мақсадида ер муносабатларини Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон ҳамда Қирғизистон давлатлари билан тартибга солиб

олди. Шундан сўнг амалга оширилаётган аграр сиёсат натижасида ерлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш мақсадида ерларнинг тақсимланиши бозор талабларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилмоқда. Умуман олганда қишлоқ хўжалиги ерларининг таркибида экинзорлар майдони камайиб бормоқда. Худди шуниингдек, кўп йиллик дарахтзорлар, яйловлар ҳам камайган.

Республика ер фонди асосий ер турлари бўйича ҳам ўзгариб бorgan. Уни 2.1.2–жадвалдаги маълумотлардан кўриш мумкин.

## 2.1.2-жадвал

### Республика ер фондиди асосий ер турлари бўйича тақсимланиш ва ўзгариш динамикаси (минг.га)<sup>1</sup>

Ер турлари	01.11.1990й ҳолатига майдон	01.01.2000й ҳолатига майдон	01.01.2007й ҳолатига майдон	01.01.2007й 01.01.1990й фарқи
- Экин ерлар	4176,5	4056,6	4057,2	-119,3
Шу жумладан сугориладиган	3407,3	3313,6	3303,6	-103,7
- Кўп йиллик дарахтзорлар.	366,8	352,9	335,8	-31,0
Шу жумладан сугориладигани	354,5	339,7	322,7	-31,8
- Бўз ерлар	62,1	80,7	83,6	+21,5
Шу жумладан сугориладигани	25,9	46,5	48,4	+22,5
- Пичанзор ва яйловлар	23475,0	22263,4	21207,3	-2267,7
Шу жумладан сугориладигани	37,3	44,1	43,4	+6,4
1. Қишлоқ хўжалик ер турлари жами	28080,4	26753,6	25683,9	-2396,5
Шу жумладан сугориладигани	3825,0	3743,9	3718,1	-106,9
2. Томорқа ерлар	437,9	642,9	691,3	+253,4
Шу жумладан сугориладигани	355,6	481,9	522,0	+166,4
3. Урмонзорлар ва (бошқарув) бугазорлар	1410,0	1511,9	2811,4	+1401,4
Шу жумладан сугориладигани	31,3	44,6	48,8	+17,5
4. Жамоа боғдорчилик- узумчилик ширкатлари	13,4	8,5	7,5	-5,9
Шу жумладан сугориладигани	9,9	7,2	6,4	-3,5
5. Мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ерлар	103,7	79,3	78,6	-25,1
6. Бошқа ерлар	15539,6	15414,1	15137,6	-402
Жами ерлар	45585,0	44410,3	44410,3	-1174,7
Шу жумладан сугориладигани	4221,8	4277,6	4295,3	+73,5

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси маълумотлари.



2.1.2-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, мустақиллик йилларида аҳолига томорқа хўжалигини юритиш учун берилган ҳамда бўз ерлар майдонигина ошиб борган. 1991-2004 йиллар мобайнида аҳолига 236.4 минг гектар томорқа хўжалиklarини ривожлантириш учун берилган. Бу ижобий воқеадир. Шунинг оқибатида аҳоли маълум миқдордаги ердан умрбод фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлди. Шунинг натижасида улар ўзлари учун зарур бўлган маҳсулотларни етиштириб талабларини қондириш билан биргаликда бошқаларнинг талабини қондириш мақсадида бозорга олиб чиқиб сотишмоқда. Аҳолига берилаётган ерларнинг ўзгариши экин майдонларининг қисқариши ҳисобига ҳам амалга оширилган. Шу йиллар ичида умумий экин майдон 119,3 минг гектарга ёки 2,9 фоизга камайган. Шунинг билан биргаликда яйлов ва пичанзорлар ҳам 2267,7 минг гектарга ёки 9.6 фоизга қисқарган. Энг юқори унумдорликка сазовор қишлоқ хўжалик ер турларидан бири бу - суғориладиган ҳайдалма ерлар бўлиб, қишлоқ хўжалигини ва шу билан бирга республика иқтисодиётини ривожлантиришда биринчи даражали роль ўйнайди. Суғориладиган экин ерларнинг майдонларининг республика бўйича 2007 йил 1 январ ҳолатига 3303,6 минг гектар ёки суғориладиган ерларни 76,9 фоизини ташкил этади.

2.1.2-жадвалдан кўриниб турибдики, суғориладиган экин майдонини 1997-2006 йиллар мобайнида вилоятлар миқёсида ўзгаришини исботламоқда. Суғориладиган экинзорлар майдони асосан Қорақалпоғистон Республикасида 9,5 минг гектарга ёки 1996 йилга нисбатан 2,2 фоизга камайган, Сурхондарё вилоятида 1,9 минг гектарга ёки 0,8 фоизга, Хоразм вилоятида эса 9,3 минг гектарга ёки 4,3 фоизга камайган. Ерларнинг маълум миқдорда камайиши Андижон, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Фарғона, Сирдарё, Наманган вилоятларида ҳам содир бўлган. Лекин шу йилларда Жиззах, Қашқадарё ҳамда Тошкент вилоятларида суғориладиган экинзорлар майдони кўпайган. Бу асосан янги бўз ерларни ўзлаштириш эвазига эришилган. 2007 йилга келиб жами суғориладиган экинзор майдонларининг 55,7 фоизи қуйи Амударё воҳасида жойлашган. Шу ҳудудда республика миқёсида энг катта суғориладиган экин майдонига эга бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Қашқадарё вилояти жойлашган. Уларнинг ҳар бирида республика суғориладиган экинзорларининг 12,7 фоизи мавжуд. Республиканинг жами суғориладиган экинзорларининг 44,3 фоизи Сирдарё воҳасида жойлашган.

Суғориладиган экинзорлар майдонини келажакда қискартиришнинг олдини олиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Чунки сўнгги саккиз йил ичида суғориладиган экинзорлар майдони 34,9 минг гектарга ёки 1996 йилга нисбатан 1,1 фоизга қисқарган. Агарда бу ерларнинг қисқариши шундай суръатларда борса, яқин 50 йил ичида 200 минг гектарга, 100 йил ичида эса 400 минг гектарга ёки жами суғориладиган майдон саккиздан бир қисмга камайиши мумкин. Бу, сўзсиз қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ишлаб чиқарилишига анчагина салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Республика бўйича лалмикор ерлар майдони 2007 йил 1 январ ҳолатига 746,0 минг гектарни ташкил қилади. Лалмикор ерларда қишлоқ хўжалик экинларини ўстириш фақат ёғинлар ҳисобига тупрок қатламларида йиғилган намлик туфайли етиштирилишини ҳисобга олиб, лалмикор экинлар йиллик ўртача ёғин 200 мм дан ошадиган ерларда жойлаштирилади.

Лалмикор ерлар ёғинлар билан таъминланган ва таъминланмаганга бўлинади. Бу бўлиниш тупрок минтақаларининг жойлашишига мос келади. Жигарранг ва қорамтир бўз тупроқли баланд минтақага ёғинлар билан таъминланган, типик бўз тупроқли ўрта минтақа ним таъминланган ва оч ранг бўз тупроқли, қуйи минтақага-таъминланмаган лалмикор ерлар тўғри келади. Лалмикор ҳайдаладиган ерлар майдони асосан Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятларида жойлашган.

Ҳозирги кунда республика бўйича мевали дарахтзор, узумзор ва тутзорларнинг жами ер майдони 335,8 минг гектар, шу жумладан суғориладигани 322,5 минг гектарни ташкил қилади. Суғориладиган қишлоқ хўжалик ерлари таркибида кўп йиллик дарахтзорлар майдони 9,7 % ни ташкил қилади.

Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари таркибида кўп йиллик дарахтзорларнинг энг юқори солиштирма вазни Самарқанд (16,5%), Наманган (10,5%), Андижон (8,1%) ва Тошкент (10,9%) вилоятларида эгаллайди, энг ками Қорақалпоғистон Республикаси (2,6%) ва Сирдарё (1,7%) вилоятларига тўғри келади. Кўп йиллик дарахтзорлар таркибида боғлар энг катта майдонни-50,1%ни, узумзорлар-29,1%, тутзорлар-18,5% ва бошқалар-2,3% ни ташкил қилади.

Кўп йиллик лалмикор дарахтзорлар Тошкент, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида жойлашган. Лалмикор ерларда жойлашган кўп йиллик дарахтзорлар майдони 13,4

минг гектар бўлиб, улардан боғлар 10,1 минг гектар, узумзорлар 3,1 минг гектар, тутзорлар 0,1 минг гектар ва бошқалар 0,1 минг гектарни ташкил қилади.

2007 йил 1 январь ҳолатига республика бўйича бўз ерлар майдони 83,6 минг гектарга тенг бўлиб, улардан суғориладиган бўз ерлар 48,4 минг гектар ва лалмикор ерлар – 35,2 минг гектарни ташкил қилади.

Республика ҳудуди катта қисмини пичанзор ва яйловлар ташкил қилади ва улар қўйчиликнинг асосий озуқа базаси ҳисобланади. Республикада 2007 йил 1 январь ҳолатига 21207,3 минг гектар табиий пичанзор ва яйловлар мавжуд. Сув билан таъминланган яйловлар майдони 18447,9 минг гектар, ёки яйловлар умумий майдонининг 86,9% ни ташкил қилади. Табиий шароитларига қараб яйловлар чўл-текислик (чўл минтақаси), текислик-тепалик (адир минтақаси) ва тоғ олди-тоғ (тоғ минтақаси)ларга бўлинади. Чўл-текислик яйловлари республиканинг шимолий–ғарбий қисмида, денгиз сатҳидан 500 м гача баландликда жойлашган. Улар йил давомида фойдаланиладиган яйловлар бўлиб, қорақўлчиликнинг асосий ҳудудлари ҳисобланади.

Шарқда чўл-текислик яйловлари аста-секин текислик-тепалик яйловларига ўтади. Бу ерларда денгиз сатҳига нисбатан баландлик 1000-1200 м гача етади. Адир минтақаси яйловлари асосан кузги ва баҳорги яйловлардир. Бу фаслларда улардан йирик қорамолларни ўтлатишда фойдаланилади, қўй ва эчкилар эса бу яйловларда йил давомида боқилади.

Тоғ минтақасидаги тоғ олди-тоғ яйловлар ғарбий Тяньшань тизмаларида, денгиз сатҳидан 2500 м. баландликкача жойлашган. Тоғ минтақаси яйловлари ёзги ҳисобланиб, барча турдаги ҳайвонларни боқишга яроқли.

Бошқа ерларга чиқинди ва ахлатхоналар полигонлари, жарликлар, кумлар, консервация ҳудудлари ва бошқа фойдаланилмайдиган ерлар киритилган. Бу ерлар майдони 2007 йил 1 январь ҳолатига 15137,6 минг гектарни ташкил қилади.

Юқорида келтирилган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Ер фонди айниқса кишлоқ хўжалиги ерларини мустақиллик йилларида ўзгаришини маълум даражада изоҳлайди. Бу ўзгаришлар улардан тўлик ва самарали фойдаланишнинг зарурлигини кўрсатади.

Ердан тўғри фойдаланишнинг бош стратегияси ер ресурслари ҳолатини ўрганиш, уларнинг миқдор ва сифатини белгилашдан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998

йил 26 декабрдаги 539-сонли Қарори асосида республиканинг 8 та вилоятидаги 102 та туманида тупрок изланиш ишлари бажарилди. 2001-2002 йилларда Андижон, 2002-2003 йилларда Сурхондарё, 2003-2004 йилларда Бухоро, 2004-2005 йилларда Хоразм вилоятларидаги ширкат хўжаликларида тупрок изланиш ҳамда баҳолаш ишлари бажарилди.

Тупрок унумдорлигини ифодаловчи ерларнинг балл-банитети кейинги йилларда пасайиб кетмоқда (каранг: 2.1.3-жадвал).

### 2.1.3-жадвал

### Ўзбекистон худудларида ерлар сифатини балл-банитетларининг ўзгариши<sup>1</sup>

Худудлар	Уртача балл-банитет	
	1991 йил	2007 йил
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	<b>44</b>	<b>41</b>
<b>Вилоятлар</b>		
<b>Андижон</b>	<b>60</b>	<b>57</b>
<b>Бухоро</b>	<b>58</b>	<b>53</b>
<b>Жиззах</b>	<b>53</b>	<b>50</b>
<b>Қашқадарё</b>	<b>54</b>	<b>51</b>
<b>Навобй</b>	<b>55</b>	<b>52</b>
<b>Наманган</b>	<b>66</b>	<b>59</b>
<b>Самарқанд</b>	<b>67</b>	<b>57</b>
<b>Сурхондарё</b>	<b>68</b>	<b>60</b>
<b>Сирдарё</b>	<b>53</b>	<b>49</b>
<b>Тошкент</b>	<b>66</b>	<b>59</b>
<b>Фарғона</b>	<b>66</b>	<b>56</b>
<b>Хоразм</b>	<b>54</b>	<b>54</b>
<b>Ўзбекистон Республикаси жами</b>	<b>58</b>	<b>55</b>

Республикада қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг сифати пасайиши оқибатида 1991-2007 йилларда ўртача балл-банитети 58 дан 55 га, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида 10 пунктга, Сурхондарёда 8 пунктга, Наманган ва Тошкент

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

вилоятларида 7 пунктга камайган. Факат Хоразм вилоятида ер балл-банитети ўзгаришсиз қолган.

Тупрокнинг табиий унумдорлигини, суғориладиган ерларнинг унумдорлиги бўйича, салоҳият имкониятларини ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқлилиги ҳисобга олиниб, республикадаги суғориладиган ерлар сифати жиҳатидан ўнта классга бўлинган. Улар ўз навбатида 5 та қишлоқ хўжалик кадастр гуруҳларга бирлаштирилган. (қаранг: 2.1.1-илова).

Биринчи кадастр гуруҳи суғориладиган қишлоқ хўжалик ерлари майдонининг 0,3 фоизини ташкил этади. Бу гуруҳ тупроғининг банитет баллари 20 гача бўлиб, I ва II класс ерларни ўз ичига олади. Бу гуруҳ ерлари Жиззах, Бухоро, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларида кўп бўлиб, улар кичик маҳаллий участкалар сифатида мавжуд.

Иккинчи кадастр гуруҳига III ва IV класс ерлар кириб, ундаги тупрок банитет балли 21-40 га тенг. Уларнинг майдони суғориладиган қишлоқ хўжалик ерлари майдонининг 24,9%ни ташкил этади. Ушбу гуруҳ тупроқлари сув эрозиясига, иккиламчи шўрланишга ва бошқа салбий ҳолатларга ўрта ва паст даражада мойил. Бундай ерлар, асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида тарқалган. Бу ерларда ғўза, ғалла, ем-хашак экинлари, мевачилик ва соҳанинг бошқа соҳаларини ҳам ривожлантириш мумкин.

Учинчи кадастр гуруҳига V ва VI класс ерлари киритилиб, сифати жиҳатидан ўртача тупроқлар ҳисобланиб, ўртача балли 41-60ни ташкил этади. Улар суғориладиган қишлоқ хўжалигига яроқли экин ерларининг 48,2%ни ташкил қилади. Банитет баллари бўйича пахтанинг ўртача норматив ҳосилдорлиги 20 ц/га га тенг ва ўзгарувчан бўлиб, 16 дан 24ц/га ўртасида бўлади. Бу ерлар, асосан, Қарақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида тарқалган.

Тўртинчи кадастр гуруҳига VII ва VIII класс ерлари киритилган, бўлиб, 61-80 баллга эга бўлиб, майдони суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг 24,3% ни ташкил этади. Ғўзанинг ўртача меъёрий ҳосилдорлиги бонитет баллари бўйича 28 ц /га ни ташкил этиб, гектаридан 24 ц / га дан 32ц/га гача ўзгариб туради. Ушбу ерларнинг катта қисми Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг қадимдан суғориладиган минтақаларида жойлашган.

Бешинчи кадастр гуруҳига IX ва X класс ерлари киритилган бўлиб, банитет баллари 81 дан ортиқ Ғўзанинг меъёрий ҳосилдорлиги баллар бўйича 32 ц / га ни ташкил этади. Бир центнер маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат харажатлари республика бўйича ҳисобланган ўртача даражадан 30-35 фоиз паст. Бундай ерлар майдони суғориладиган кишлоқ хўжалик ерларининг 2,3%ни ташкил этади<sup>1</sup>.

Таҳлилларимиз кишлоқ хўжалик суғориладиган экин майдонларининг камайиб бораётганлигини, аммо ялпи ҳосил ва ҳосилдорликнинг ўсиб бораётганини кўрсатмоқда (қаранг: 2.1.4-жадвал).

#### 2.1.4-жадвал

### Кишлоқ хўжалиги суғориладиган экин майдонларидан фойдаланиш кўрсаткичлари<sup>2</sup>

Экин турлари	2000 йил			2007 йил		
	ер майдони мингга	ялпи ҳосил минг тонна	ҳосилдорлик ц / га	ер майдони мингга	ялпи ҳосил минг тонна	ҳосилдорлик ц / га
Донли экинлар	1614	3929	35,4	1538,9	6771,8	44,0
Шу жумладан						
Бугдой	1355,8		37,0	1382,8	6197,4	44,8
Пахта	1444,6	3002	24,5	1457,6	3715,8	25,5
Қартошка	52,2	731,1	157,5	56,1	1188,1	211,8
Сабзавот	130	2644	203,1	159,6	4669,9	292,6
Полиэ экинлари	37	451,4	157,0	37,7	880,3	233,5

Кишлоқ хўжалиги деҳқончилигининг асосий экинлари бўлган донли экин майдонлари таҳлил даврида ўзгармагани ҳолда дон маҳсулотлари ва уларнинг ҳосилдорлиги ўсган. Пахтачиликда худди шундай ижобий тенденцияни кузатиш мумкин.

Демак, кишлоқ хўжалиги суғориладиган экин майдонлари камайишига қарамасдан маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва ҳосилдорлиги ўсиб бориши тенденцияси юз бермоқда. Бу ҳол кишлоқ

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. Т., 2007 40-41-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот ва таҳлилий шарҳ. 2005 йил. Т., 2006. 75, 84-85-бет; Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги статистик ахборотномаси. Т., 2008. 21-23-бет. маълумотлари асосида тузилган.

хўжалигида фермер хўжалиklarининг тобора кўпайиб, мавқеининг ошиб бораётганлиги, уларда ерга хўжайинлик ҳиссининг шаклланиб, ривожланиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Аммо кишлок хўжалик суғориладиган экин майдонларининг камайиб бораётганлиги, қаровсиз, экилмаган ер майдонлари улушининг ўсиб бораётганлиги кишлок хўжалиги маҳсулотлари хосилдорлигини янада ошириш, хўжалик субъектлари фаолияти рентабеллигини ошириш зарурияти муҳим иктисодий ресурс (омил) бўлган чекланган ер ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Айниқса, бу масалаларни тадқиқ этиш, ўрганиш табиий-иқлимий, экологик шароити нисбатан оғир бўлган Қорақалпоғистон Республикаси учун долзарб аҳамият касб этади.

## **2.2. Қорақалпоғистон Республикаси ер ресурсларидан кишлок хўжалигида фойдаланишнинг минтақавий хусусиятлари**

Қорақалпоғистон Республикаси жами фойдаланиладиган ерлар умумий майдони 16106,6 минг гектарни, шундан суғориладиган ерлар 500,4 минг гектарни, яъни 3,1 %ни ташкил этади. Экин ерлари майдони 419,2 минг гектарни, яъни 2,6%ни ташкил этиб, уларнинг барчаси суғориладиган ерлар ҳисобланади (қаранг: 2.2.1-жадвал).

Қорақалпоғистонда бўз ерлар 9,3 минг гектарни (0,06%), пичанзор ва яйловлар 4719,2 минг гектарни (29,3%), кишлок хўжалиги ерлари 5156,5 минг гектарни (32%), томорқа ерлари 47 минг гектарни (0,4%), бошқа ерлар 4681,1 минг гектарни ташкил этади.

Кишлок хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари томонидан фойдаланиладиган ерлар 3188,8 минг гектарни (умумий фойдаланиладиган ерларнинг 19,8%) ташкил этиб, шундан 489,7 минг гектари, яъни 15,3% суғориладиган ерлардир.

Шуни таъкидлаш жоизки, умумий фойдаланиладиган ер майдони миқдорида кишлок хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг улуши Қорақалпоғистонда 3,1%ни, Андижон вилоятида 58,5%ни, Фарғона вилоятида 45,0%ни, Бухорода 69,2%ни, Қашқадарёда 76,8%ни, Сирдарёда 69,4%ни, Тошкент вилоятида 52,9%ни, Навоий вилоятида 81,4%ни, Хоразм вилоятида 58,6%ни ташкил этади<sup>1</sup>. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, Қорақалпоғистонда кишлок

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида миаллий ҳисобот. Т.: 2007й 8-бет маълумотлари асосида ҳисобланган.

хўжалиги ерлари улуши бошқа хуудлардагига қараганда анча камдир.

## 2.2.1-жадвал

### Қорақалпоғистон Республикасида фойдаланиладиган ерлар ва уларнинг таркиби (2008 йил 1 январ ҳолати<sup>1</sup>)

Ер турлари	Жами ерлар		к/х корхона, ташкилот ерлар	
	Минг гектар	Улуши %	Минг гектар	Улуши %
Умумий майдони	16135,8	100,0	3188,8	100
Шундан сўғориладиган	500,4	3,1	489,7	15,3
Экин ерлар	419,7	2,6	415,7	13,0
Шундан сўғориладиган	419,8		415,7	
Кўп йиллик дарахтзорлар	8,8	0,05	8,6	0,3
Шундан сўғориладиган	8,8		8,6	
Буз ерлар	9,4	0,06	8,6	0,3
Шундан сўғориладиган	9,4		8,6	
Пичанзор ва яйловлар	4750,0	29,3	1602,3	50,2
Шундан сўғориладиган	27,2		26,9	
Қишлоқ хўжалик ерлари	5188,1	32,0	968,6	30,4
Шундан сўғориладиган	464,6		459,8	
Томорка ерлар	47,0	0,3	35,5	1,1
Шундан сўғориладиган	34,8		29,3	
Урмонзорлар	989,6	6,1	97,9	3,1
Шундан сўғориладиган	0,9		0,6	
Боғлар ва сабзавотчилик уюшмаларининг ерлари	0,1	...	...	
Шундан сўғориладиган	0,1	...	...	
Бутазорлар	68,3	0,4	25,2	0,8
Бошқа ерлар	4682,1	29,1	26,4	0,8

Аммо шунга қарамадан, Қорақалпоғистон Республикаси хуудии ер майдони Ўзбекистонда энг катта майдонни ташкил этганлиги туфайли, қишлоқ хўжалиги ерлари, шу жумладан сўғориладиган ерлар майдони ҳам каттадир. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг 14% Қорақалпоғистон хиссасига тўғри келади (қаранг: 2.2.1-расм).


<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.



Ушбу маълумотлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг катта қисми Навоий, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳиссасига тўғри келишини курсатмоқда.

### 2.2.1-расм

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича қишлоқ хўжалиги ерларининг тақсимланиши<sup>1</sup>**



Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган ҳамда суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар 1998 йилдаги 420,4 минг гектардан 2007 йил бошига келиб 419,2 минг гектарга, яъни 1,2 минг гектарга камайди (қаранг: 2.2.2-расм).


Қорақалпоғистон Республикасида суғориладиган қишлоқ хўжалик ер майдонлари 5 та гуруҳга ажратилган 10 классга бўлинади. 11-20 бонитет балига эга бўлган ёмон ерлар улуши 0,46%ни, 21-30 ва 31-40 банитет балига эга бўлган ўртачадан паст ерлар улуши эса

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тугрисида миллий ҳисобот маълумотлари асосида тузилган.

64,1%ни, 41-50 ва 51-60 банитет балли ўртача ерлар улуши эса 27,9%ни, 61-70 ва 71-80 банитет балига эга бўлган яхши ерлар улуши 7,5%ни ташкил этади.

### 2.2.2-расм

#### Қорақалпоғистон Республикасида суғориладиган экин ер майдонлари динамикаси<sup>1</sup> (минг гектар)



Худудда энг яхши ерлар мавжуд эмас (қаранг: 2.2.2-жадвал).

### 2.2.2-жадвал

#### Қорақалпоғистон Республикаси суғориладиган қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларининг сифат баҳоси<sup>2</sup>

Ерларнинг турлари	синфлар	Балл банитетлари	Ер майдонлари гектар	Улуши %
Ёмон ерлар	I класс	0-10	йўқ	0,5
	II класс	11-20	1919	
ўртачадан паст ерлар	III класс	21-30	29810	7,2
	IV класс	31-40	237202	56,9
ўртача	V класс	41-50	69846	16,8

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот маълумотлари асосида тузилди.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот. –Т., 2007 42-бет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

ерлар	VI класс	51-60	46458	11,1
яхши	VII класс	61-70	24497	5,9
ерлар	VIII класс	71-80	6801	1,6
энг яхши	IX класс	81-90	йўк	
ерлар	X класс	91-100	йўк	
жами ерлар		Уртача балл 41	416533	100

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Қорақалпоғистонда суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларининг тупроқ сифати даражаси бошқа вилоятлардагига нисбатан анча пастдир. Ёмон ерлари кўп бўлган Навоий вилоятида ўртача банитет балл 52 ни ташкил этади. Банитет бали бошқа вилоятлардагига нисбатан анча паст бўлган Сирдарё вилоятида бу кўрсаткич 49 ни ташкил этади.

Қорақалпоғистонда мамлакатимизнинг биринчи кадастр гуруҳига кирувчи ёмон ерларининг 19,4%, иккинчи кадастр гуруҳига кирувчи (ўртачадан паст) ерларнинг 29,3%, учинчи кадастр гуруҳига кируви (ўртача) ерларнинг 6,6%, тўртинчи кадастр гуруҳига кирувчи (яхши) ерларнинг 3,5% жойлашган (қаранг: 2.2.3-жадвал).

### 2.2.3-жадвал

Ўзбекистон минтақаларининг қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерлари кадастр гуруҳлари майдонларидаги улуши (яқунига нисбатан % ҳисобида)<sup>1</sup>

№	к/х кадастр гуруҳи ерлари	Минтақалар					
		Қора- қалпоғистон Республикаси	Қашқадарё вилояти	Навоий вилояти	Сирдарё вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти
I	Ёмон ерлар	19,4	-	33,9	1,4	14,4	6,3
II	Уртачадан паст ер	29,3	8,3	2,7	8,1	7,4	6,0
III	Уртача ер	6,6	16,3	2,0	8,5	7,9	6,6
IV	Яхши ер	3,5	8,5	3,7	5,1	11,3	6,9
V	Энг яхши ер	-	9,8	2,5	-	7,2	0,1

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот. –Т.. 2007 42-бет  
маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди


Фарғона ва Қашқадарё вилоятининг ўртача, яхши ва энг яхши ерлардаги улуши юқоридир. Навоий вилоятининг ёмон ерлардаги улуши энг юқоридир, Аммо ушбу вилоятда энг яхши ерлар ҳам мавжуддир. Сирдарё вилоятининг ўртача ва яхши ерлардаги улуши Қорақалпоғистонга нисбатан бир мунча юқоридир. Хоразм вилоятининг яхши ерлардаги улуши ҳам таҳлил қилинаётган минтақадагига қараганда юқоридир. Демак, Қорақалпоғистон Республикасида сугориладиган кишлок хўжалиги ерларининг тупроқ сифати мамлакатимизнинг бошқа минтақаларидагига нисбатан паст даражададир.

Бунга шунингдек, Оролбўйи воҳасида юзага келган экологик ҳолатнинг ёмонлашганлиги ҳам салбий таъсир этмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида кишлок хўжалиги маҳсулотлари экин майдонлари 1991 йилдаги 414128 гектардан 2008 йил январга келиб 234658 гектарга, яъни 56,7%га камайди (қаранг: 2.2.3-чизма).

### 2.2.3-чизма

#### Қорақалпоғистонда кишлок хўжалиги маҳсулотлари экилган ер майдонлари (гектар)<sup>1</sup>



Ушбу чизма маълумотлари Қорақалпоғистонда кишлок хўжалиги маҳсулотлари экилган ер майдонларининг йилдан-йилга камайиб борганлигини қурғокчилик ва сув танқислиги кучли бўлган 2000 ва 2001 йилларда экилган ер майдонлари ниҳоятда қисқариб кетганлигини кўрсатмоқда. Асосий кишлок хўжалиги маҳсулотлари экин майдонлари, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва ҳосилдорлиги

<sup>1</sup> Социально-экономическое развитие Республики Каракалпакстан за годы независимости 1991-2004 годы – Нукус, 2005; Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ўзгаришини таҳлил қилиш ер ресурсларидан фойдаланиш даражасининг қандай ўзгарганлигидан далолат беради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экин майдонлари 2007 йилда 1991 йилга нисбатан 43,3%га, шу жумладан дон маҳсулотлари экин майдонлари 22,7%га, камайди. Аммо бугдой экин майдонлари 8,3 баробарга ўсди. Шоли экин майдонлари эса 82,5%га, пахта экин майдонлари 29,0%га, полиз экин майдонлари эса 61,91%га камайди (қаранг: 2.2.4-жадвал).

Шуни таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экин майдонлари 2001 йилгача жуда қисқариб кетган эди. Аммо 2002 йилдан бошлаб, улар кўпайтирила бошланди.

Таҳлил даврида дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8%га камайгани ҳолда бугдой етиштириш эса шу даврда 36,2 баробарга кўпайди. Шоли етиштириш эса 85,9%га, яъни 6,8 баробарга камайди. Пахта хом ашёси ишлаб чиқариш 31,4%га камайди. Шу даврда полиз экинлари етиштириш ҳам камайди. Сабзавот етиштириш эса 1,5 баробарга кўпайди.

Таҳлил даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткич бўлган ҳосилдорлик ҳам ўзгарди. Дон маҳсулотлари ҳосилдорлиги гектарига 1991 йилдаги 29,3 центнердан 2007 йилда 34,9 центнерга, яъни 19,1%га ўсди. Бугдой ҳосилдорлиги эса 8,7 ц/га, дон 37,7 ц/га, яъни 3 баробардан зиёдга ўсди. Пахта хом ашёси ҳосилдорлиги 19,5 ц/га даражасида саклаб қолинди. Сабзавот, полиз экинлари ҳосилдорлиги шунга мос равишда 42,6% ва 33,6%га ўсди.

Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экин майдонлари, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва ҳосилдорлиги то 2000-2001 йилларга қадар узлуксиз пасайиш тенденциясига эга бўлиб, 2002 йилдан бошлаб ўсиш тенденциясига эга бўлди. 2000-2001 йилларда Қорақалпоғистонда қурғоқчилик, сув танқислиги юз берди. Аммо кейинги йилларда қишлоқ хўжалигига эътибор кучайди.

Соҳада фермерлик ҳаракати ривожланди. Хусусий мулкчилик, хусусий манфаатдорлик учун самарали фаолият юритишга интилиш кучайди. Шу боисдан қишлоқ хўжалигида ҳам туб ижобий ўзгаришлар юз бермоқда.

Буларнинг ҳаммаси соҳада ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга бўлган ҳатти-ҳаракатнинг кучайишига олиб келди.

Қорақалпоғистон Республикасида ердан фойдаланиш ҳолати турли туманлар бўйича фарқланади. Чунки туманлар ерлари ҳажми, ўзининг ҳосилдорлиги, табиий хусусиятлари бўйича ҳам фарқланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экин ер майдонлари Амударё туманида таҳлил даврида 14,8%га, Нукус туманида 19,4%га, Тўрткул туманида 24,2%га, Беруний туманида 29,5%га, Эллиққалъа туманида 25,7%га, Хўжайли туманида 32,5%га, Шуманай туманида 49%га, Чимбой туманида 52,9%га, камайди (қаранг: 2.2.5-жадвал).

## 2.2.4-жадвал

Қорақалпоғистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экин майдорлари, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва ҳосилдорликнинг ўзгариши динамикаси<sup>1</sup>

к/э махсулот турлари	экин майдонлари, гектар					2007 й 1991 Йилга нисбатан %	ишлаб чиқариш ҳажми тонна					2007 й 1991 Йилга нисбатан %	ҳосилдорлик кг/га					
	1991	1999	2005	2006	2007		1991	1999	2005	2006	2007		1991	1999	2005	2006	2007	2007 й 1991 Йилга нисбатан %
Экин майдонлари, жами	414128	394845	238481	252848	234658	56,7												
1. Дон маҳсулотлари	112070	133176	82227	94510	86680	77,3	328504	265803	201613	286472	302128	92,0	29,3	20,0	25,1	30,3	34,9	119,1
Шу жумладан:																		
Бугдой	7728	32587	61033	64120	64290	831,9	6710	74625	162121	215193	242760	3617,9	8,7	22,9	26,6	33,6	37,7	433,3
Шола	88833	85639	13796	22789	15527	17,5	298386	171056	25697	35504	42024	14,1	33,6	20,0	21,5	24,4	27,1	80,7
2. Пакта ҳам шибси	149595	145452	104043	106698	106167	71,0	285789	189402	212594	193725	196137	68,6	19,5	13,0	20,6	19,1	19,2	98,5
3. Сабзавот экинлари	7007	7940	5109	7352	7438	106,2	65828	81382	49815	88487	99589	151,3	93,9	102,5	92,5	120,4	133,9	142,6
4. Полиэ экинлари	13053	8326	4425	5310	4977	38,1	98159	59770	29348	41527	50009	50,9	75,2	71,8	69,7	78,2	100,5	131,6

<sup>1</sup> Социально-экономическое развитие Республики Каракалпакстан за годы независимости 1991-2004 годы. – Нукус, 2005; Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида тузилди.

**Қорақалпоғистон Республикаси туманлари бўйича қишлоқ  
хўжалиги маҳсулотлари экин майдонларининг ўзгариши  
динамикаси<sup>1</sup>**

Туманлар	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экин майдонлари (гектар)						
	1991й	1995й	2000й	2005й	2006й	2007й	2007йилда 1991 йилга нисбатан %
Қорақалпоғистон Рес жами	414128	395837	337437	238481	252848	234658	56,7
Амударё	35498	34773	35571	30843	32211	30234	85,2
Беруний	29550	29168	27502	21336	21459	20824	70,5
Бозатау	13383	12012	9848	-	-	-	-
Қонликўл	31185	31144	22035	11468	12544	12542	40,2
Қараўзак	30670	29730	23005	14452	14412	12819	41,8
Кегейли	25631	24928	21709	17976	18602	16090	62,8
Қўнғирод	37798	33402	28524	16901	17330	14686	38,9
Мўйноқ	2990	3443	1800	1204	1206	1078	36,1
Нукус	20378	18821	18565	13913	17935	16424	80,6
Тахтакўпир	31624	26725	19637	11597	13038	12170	38,5
Тўрткўл	30145	29861	24987	23011	24600	22857	75,8
Хўжайли	31189	31777	30916	24158	24906	21352	68,5
Чимбой	38968	37478	26989	17300	18249	18346	47,1
Шуманай	25140	23809	19853	11783	12985	12817	51,0
Эликкатъа	29883	28766	25967	22392	23184	22218	74,3
Нукус ш	96	-	452	126	136	138	143,8
Тахтакўпир ш	-	-	77	51	51	63	-

Аммо Бозатау туманида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экин тўхтади. Тахтакўпир ва Мўйноқ туманида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экин майдонлари 3 баробарга яқин, Қонликўл, Қараўзак, Чимбой туманларида 2 баробардан зиёдга камайди.

Бундай ҳолатни асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўлмиш дон ва дон маҳсулотлари, шу жумладан, буғдой ва шоли, пахта хом ашёси, сабзавот, полиз маҳсулотлари экин майдонларининг камайишида ҳам кўриш мумкин (қаранг: 2.2.1-илова). Сув танқислиги туфайли шоли экин ва етиштириш кескин камайди. Дон ва дон маҳсулотлари етиштириш камайди. Аммо буғдой етиштириш ва унинг ҳосилдорлиги ўсди. Пахта хом ашёси экин майдонлари ва уни етиштириш камайгани ҳолда унинг ҳосилдорлиги даражаси сақлаб қолинди. Қонликўл, Қараўзак, Тахтакўпир, Тўрткўл, Чимбой

<sup>1</sup> Социально-экономическое развитие Республики Каракалпакстан за годы независимости 1991-2004 годы. – Нукус. 2005; Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодийет вазирилик маълумотлари асосида тузилди.



туманларида пахта ҳосилдорлиги ўсишига эришилди (қаранг: 2.2.2 ва 2.2.3-иловалар).

Умуман, Қорақалпоғистонда қишлоқ хўжалиги суғориладиган экин ер майдонлари унчалик камаймагани ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экиладиган ер майдонлари анча камайди. Бунга сабаб минтақада сув танқислиги, экологик вазиятнинг ёмонлашганидир. Ердан самарали ва интенсив фойдаланиш учун қишлоқ хўжалиги техникаларининг камайганлиги ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, республикада 1991-2007 йилларда тракторлар 2,7 баробарга, автомобиллар 3,5 баробарга, дон ўриш комбайнлари 4,4 баробардан зиёдга, пахта териш машиналари 80 баробардан зиёдга камайди (қаранг: 2.2.6-жадвал).

### 2.2.6-жадвал

#### Қорақалпоғистонда қишлоқ хўжалик техникаси миқдорининг ўзгариши динамикаси (барча хўжаликларда, шу жумладан фермер хўжаликларини қўшганда)<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар	1991й	1995й	2000й	2005й	2006й	2007й
Тракторлар, жами	19892	16431	11329	8781	8026	7388
Автомобиллар	3740	3186	2682	1749	1367	1050
Дон ўриш комбайнлари, жами	1960	1540	861	556	473	438
Пахта териш машиналари	2578	1658	300	41	33	32
Трактор прицеплари	9911	8429	5357	3664	3406	3172
Насос-кучланиш агрегатлар	3738	2727	1619	1613	1115	1034

Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари экиш учун зарур бўлган насос-кучланиш агрегатлари 3,7 баробардан зиёдга камайди. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги техникасининг кескин камайиб кетиши соҳада ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, унинг самарадорлигини янада оширишга, ер ресурсларидан унумли фойдаланишга ҳам тўсқинлик қилади.

Шу боисдан экологик оғир ва сув танқислиги кучаяётган шароитда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммоларини ҳал этиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> Социально-экономическое развитие Республики Каракалпакстан за годы независимости. – Нукус, 2005: Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий вазирлиги маълумотлари асосида тузилди

## **3-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

### **3.1. Қишлоқ хўжалигида ерлардан фойдаланишда фермер, деҳқонлар масъулиятини ошириш**

Жамиятнинг умумий ишлаб чиқариш муносабатлари соҳасида мулкчилик муносабатлари муҳим ўрин эгаллайди. Шу ўринда қайд қилиш зарурки, мулкчилик муносабатлари - бу биринчидан, муайян ишлаб чиқариш муносабатидир (яъни ишлаб чиқариш жараёнида одамлар ўртасида вужудга келадиган, унинг дастлабки шarti ва натижасининг муносабати); иккинчидан, одамларнинг моддий неъматларни, энг аввало ишлаб чиқариш воситаларини, шунингдек ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини бевосита ўзлаштириб олиш соҳасидаги иқтисодий муносабатларидир ва ниҳоят, учинчидан, мазкур муносабатларнинг моҳияти моддий неъматларнинг муайян шахслар ёки уларнинг жамоалари томонидан ўзлаштириб олинганлиги ҳолатидан иборатдир. Шундай экан, мулк - ишлаб чиқарилган моддий неъматларни ўзлаштиришнинг ижтимоий шаклидир.

Қишлоқ хўжалигида мулкчилик шакллари тақомиллаштириш тўғрисида сўз юритилар экан, энг аввало, қайд этиш зарурки, ҳозирги босқичда ерга тўлиқ кўламдаги хусусий мулкчиликни жорий қилишнинг имкони йўқ, чунки ислохотнинг пировард натижасини аниқ тасаввур қилиб олиш лозим.

Давлатнинг тарихий тажрибасини, ижтимоий қийматларини, аҳолининг руҳияти ва миллий анъаналарини, демографик жараёнлар тарзини ҳисобга олган ҳолда ер муносабатларини ислоҳ қилишнинг мавжуд шароитларини ҳаққоний баҳолаш лозим. Шунинг учун Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалигидаги самарали иқтисодий муносабатларни фақат ерга хусусий мулкчилик асосида қуриб бўлмайди. Бу, республикада ерга хусусий мулкчилик умуман тақиқланади дегани эмас.

Ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини танлов асосида тақсимлаш, уларни хусусийлаштирилган савдо ва маиший соҳа объектлари билан бирга хусусий мулк қилиб сотиш ҳамда шахсий томорка ва якка тартибда уй қуриш учун ер-участкаларини аукционлар орқали мулк қилиб сотиш Ўзбекистон шароитига мос қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бозори моделини ишлаб

чиқишга имкон беради. “Халқ учун ерга эгалик қилиш эмас, балки ундан фойдалана олиши, унда мунтазам ва баракали ишлашига ҳеч кимнинг ҳалакит бермаслиги муҳимдир.”- деган эди атоқли иқтисодчи. Деҳқонни камбағалликдан ерга хусусий мулкчилик эмас, балки ўз меҳнати самарасига бўлган ҳуқуқи, унинг натижаларидан ва ердан адолатли фойдаланиш кутқарди.

Ушбу қайд қилинганлардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда ҳам келгусида чуқур таркибий ўзгаришларга, энг аввало, деҳқонда ерга, ишлаб чиқариш воситалари ва ўз меҳнати натижаларига эгалик қилиш ҳиссини уйғотишни таъминловчи мулкий муносабатларни ўзгартиришларга кенг аҳамият берилиши зарур.

Қишлоқда таркибий ўзгаришларнинг ҳал қилувчи бўғини сифатида ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш муносабатларини ислоҳ қилиш қуйидаги асосий қоидалардан келиб чиқади:

- қишлоқ хўжалигига тааллуқли энг аввало суғориладиган ерлар давлат мулки объекти ҳисобланади;

- товар ишлаб чиқариш, асосан фермер хўжаликлари томонидан амалга оширилади, уларга ер участкалари узок муддатли ижарага берилади;

- майда товар ишлаб чиқаришни, мева-сабзавотчилик, узумчилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ихтисослашган, ажратилган ер участкаларини умрбод меъросга қолдириш ҳуқуқига эга бўлган деҳқон хўжаликлари амалга оширади.

Қайд қилиш зарурки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш, қишлоқда иқтисодий ислохотларни тўғри амалга ошириш, ердан ва бошқа асосий ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан ушбу ташкил этилаётган фермер ва деҳқон хўжалиқларининг фаолиятига боғлиқдир.

Қишлоқда келгусида кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришда, хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштиришда фермер ва деҳқон хўжалиқларини ривожлантиришга катта аҳамият берилиши зарур. Бундай хўжалиқларни ривожлантириш қишлоқ аҳолиси бандлигини, унинг даромадини кўпайтириш, мамлакатни озик-овқат билан таъминлашни яхшилашга имкон беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунига биноан фермер хўжаликлари деҳқончилик маҳсулотларини ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган тарзда тузилади. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари мол бош сони 30 шартли бошдан кам бўлмаган тақдирда тузилади. Бундай хўжаликка ижарага ажратилган ер участкаларининг энг кам миқдори Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида бир шартли мол бошига 0,3 гадан кам бўлмаган. Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда суғориладиган ерда 0,45 гадан, лалми ерларда эса камида 2,0 гани ташкил этади. Деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари пахтачилик ва ғаллачилик учун бериладиган энг кам ер камида 10,0 гани, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун эса 1,0 гани ташкил этади.

Фермер хўжаликлари биринчи навбатда ишчи кучи етишмайдиган минтакаларда ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Ер участкаларининг миқдори аҳоли зичлигини, ер ресурсларининг миқдорини, ирригация тармоғи ҳолатини, аҳоли пунктларининг жойлашишини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Ҳозирги кунда фермер хўжаликларини ташкил қилиш учун фуқароларга ер ажратиш ва ер участкаларини ижарага бериш шартномаларини тузиш бўйича меъёрий ҳужжатлар тайёрланган, ҳар бир туман ҳокимияти қошида фермер хўжаликларини ташкил этиш бўйича махсус ҳайъат иш олиб бормоқда. Расмий маълумотларга қараганда ҳозиргача республика бўйича 30000 дан ортиқ фермер хўжаликлари тузилган, аммо бу ҳали анча кам.

Қишлоқ хўжалигида мулкчилик шаклларини такомиллаштиришда ва бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришда деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга муҳим эътибор берилиши зарур. Улар томонидан ҳозирги кунда республикада мева-сабзавотнинг 70%, гўштнинг 65%, сутнинг деярли 90% етиштирилади. Деҳқон хўжаликлари оилавий майда товар ишлаб чиқарувчи сифатида, мамлакатни муҳим озиқ-овқат товар турлари билан таъминлашда катта аҳамиятга эгадир.

Маълумки, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ деҳқон хўжаликлари юридик шахс мақомига эга бўлган ва

бўлмаган тарзда тузилади ва келгусида кишлоқда устивор хусусий мулкчилик шаклига айланади.

Дехкон хўжалигини юритиш учун фуқароларга 0,35гагача суғориладиган ер участкаси, 0,50 гагача лалми ер ва 1,0 гагача чўл ва адир минтақасидан ер ажратиш мақсадга мувофиқ. Умуман ҳозирги кунда республикамизда 3,0 млн.га яқин шундай дехкон хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда ҳозирги асосий вазифа - ушбу хўжаликларни тезлик билан рўйхатдан ўтказиш, уларга махсус гувоҳномалар топшириш ва улар фаолиятини тўғри йўлга қўйишдан иборатдир.

Қишлоқ хўжалигидаги мулкчилик шаклларини такомиллаштиришда, яъни ташкил этилаётган дехкон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришда уларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатувчи бозор инфратузилмасини яратиш, жумладан тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини қатъий шартнома асосида йўлга қўйиш зарур. Бунда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- хусусий (сервис) хизмат кўрсатиш корхоналарини ва томорқа ерларга ишлов берувчи, ҳосилни йиғиб олувчи, маҳсулотларни ташиш ва сотиш фирмаларини ривожлантириш;

- дехкон ва фермер хўжаликларини ўз вақтида техника воситалари, уруғ, кўчат, ёқилғи-мойлаш материаллари, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари, минерал ўғитлар ва бошқалар билан таъминлаш;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари истеъмолчилари билан шартномавий муносабатларни ривожлантиришга ёрдам кўрсатиш;

- суғурта, лизинг ва аудит соҳаларини тубдан яхшилаш;

- бизнес-режа тузишга ва кредит ресурслари билан таъминлашга зарур маълумотлар бериш;

- дехкон ва фермер хўжаликларини кичик механизация воситалари ва сервис хизмати билан таъминлаш.

Дехкон ва фермер хўжалиқларига сервис хизмати кўрсатиш соҳасида рақобатни яратиш мақсадида, маҳсулотни харид қилиш ва қайта ишлаш, сервис хизмати кўрсатиш, моддий-техника ресурслари билан таъминлаш, кимёлаштириш, ўсимликларни ҳимоя қилиш кабилар бўйича хусусий ва кооператив фирмаларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Булардан ташқари, фермер хўжаликларини ҳамда юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган дехкон

хўжаликларини кредитлаш механизмини такомиллаштириш зарур. Жумладан, микрокредитларнинг ролини ошириш муҳимдир.

“Биз ўз олдимишга кўйган юксак марраларга эришиш йўлида, юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлашда энг аввало ўрта синф вакиллари – тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати ва хусусий бизнес тизимларининг, барча моддий ва интеллектуал мулк эгаларининг манфаатларини устун қўйиш, уларга тўлиқ имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, уларни қўллаб-қувватлаш – бизнинг устувор вазифамиз бўлиб қолади”<sup>1</sup>, - деган эди. И.А.Каримов. Шундай экан, чинакам фермер узок муддатга фойдаланиш учун олган ернинг амалда ҳақиқий хўжайинига айланиши керак, тузилган шартноманинг барча шартлари деҳқон томонидан ҳам, хўжалик ва маҳаллий ҳокимият томонидан ҳам сўзсиз бажарилиши зарур. Шартнома мажбуриятларини бузган томон, албатта, конун олдида жавоб бериши шарт. Энг асосийси, давлат қишлоқдаги мулкдорларни, жумладан, деҳқон ва фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши керак.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигида, фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил этиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, энг муҳими қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини вужудга келтириш келгусида республикамиз қишлоқ хўжалигида мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштиришнинг асосий манбалари ҳисобланади.

### **3.2. Қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш**

Мамлакатимиз миқёсида мавжуд бўлган қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш ҳозирги даврдаги ўсиб бораётган талабга тўлиқ жавоб берадиган даражада эмас. Шунинг учун уни юксалтириш объектив зарурият ҳисобланади. Бу масалани ҳамма тушунган ҳолда ишларни бажаришга алоҳида эътибор бериш керак. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини талаб даражасига етказиш шунинг билан биргаликда уларни етиштиришга сарфланаётган харажатларни камайтиришга эришиш лозим. Бунинг учун барча қишлоқ хўжалик ерларидан хўжалик тўлиқ ва самарали фойдаланиши керак. Ўзбекистон

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олдий соадатдир. –Т.: Ўзбекистон, 2007 31-32-бет.

Республикаси Кишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлигининг ерларни мелиорациялаш бошқармаси маълумотларига қараганда ушбу йўналишда олиб борилган тадбирлар натижасида 2006 йил 1 январ ҳолатига 61,4 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, сизот сувлари сатҳи 1,5 метргача бўлган майдон 3,0 минг гектарга камайган, шўрланган майдонлар 58,4 минг гектарга (ўртача шўрланган 45,0 минг гектарга ва кучли шўрланган 13,4 минг гектарга) камайишига эришилди.

2006 йилда хўжаликлараро зовур-дренаж тармоқларини тозалаш бўйича режа кўрсаткичлари 6596,1 км белгиланган бўлиб, амалда 6909,5 кмни ташкил этган. Ёпик-ётик зовурларни таъмирлаш бўйича йиллик топшириқ 876,5 кмни ташкил қилиб, амалда 892,3 км таъмирланган. Хўжалик ички очик зовурларини тозалаш ишларининг йиллик режаси 16015,6 км бўлгани ҳолда ҳақиқатда 16775,6 км бажарилган.

2006 йилда республика бюджетидан 4859,7 млн. сўм маблағ ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун ажратилиб, 5743,9 км хўжаликлар ички зовурларни тозалаш белгиланган. 2006 йилнинг апрель-декабрь ойларида белгиланган режага нисбатан тозалаш ишлари ортиғи билан бажарилди, жумладан, 350 км зовур ёки 1411 минг м<sup>3</sup> тупроқ ишлари ортиқ бажарилган. Бажарилган ушбу тадбирлар натижасида 2007 йил 1 январь ҳолатига 108,6 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, сизот сувлари сатҳи 1 метргача бўлган майдон 30,8 минг гектарга, 1,5 метргача бўлган майдон 3,6 минг гектарга ва 2 метргача бўлган майдон 42,3 минг гектарга камайган, ўртача шўрланган майдонлар 31,9 минг гектарга камайган.

Хўжаликлараро зовур тармоқларини тозалаш бўйича 2007 йил режаси 6726,4 км белгиланган бўлиб, амалда 7608,9 км тозаланган ёки режага 113% га бажарилган. Зовур тармоқларини тозалаш ишлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 699,9 км кўп бўлиб, ушбу тадбирларни бажаришда 370 та экскаватор қатнашган.

Вазирлик тасарруфидаги ёпик-ётик зовурларни таъмирлаш бўйича йиллик топшириқ 910,4 км бўлиб, амалда 934,6 км ёки режа 103 %га бажарилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 47,1 км кўпдир. Хўжалик ички очик зовурларини тозалаш ишларининг режаси 14889,9 км бўлиб, ҳақиқатда 15742,8 км ёки режага нисбатан 106 %га бажарилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 13 январдаги 03,6,10-сонли баёнига асосан республика бюджети ҳисобидан 3200,0 млн. сўм маблағ хўжалик ички зовур тармоқларини тозалаш орқали ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун ажратилиб, режада тозаланиши белгиланган 3248,9 кмдан амалда 3559,6 км ёки 110 %га бажарилган. Хўжаликлар ҳисобидан эса 11641 км хўжалик ички зовур тармоқларини тозалаш белгиланган бўлиб, амалда 12183,1 км ёки режа 105 % га бажарилган. Хўжаликлар ҳисобидаги ёпиқ-ётик зовурларни таъмирлаш бўйича топшириқ 509 км бўлган ҳолда, амалда 536,1 км ёки 105 %га таъмирлаш ишлари бажарилди. Ўтган йилга нисбатан ушбу кўрсаткич республика бўйича 65,1 км кўпдир.

Йил давомида хўжаликлараро зовур тармоқларида тозалаш ишлари талаб даражасида бажарилди. Хўжалик ички зовур тармоқларини тозалаш ишларига эса бюджет ҳисобидан қисман маблағ ажратилганлигига қарамасдан фермер хўжалиklarининг тўлов қобилияти пастлиги сабабли СФУ ва фермер хўжаликлари ҳисобидан хўжалик ички зовур тармоқларини тозалаш ишлари етарлича амалга оширилмади. Натижада зовур тармоқларини тизимли тозалашга тўла эришилмаган.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, мелиоратив объектларда тозалаш ва таъмирлаш ишларини тизимли ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор Фармон ва Қарорлари қабул қилинган. Уларга асосан жойлардаги Гидрогеология-мелиоратив экспедициялари таклифлари асосида “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини 2008-2012 йилларда яхшилаш бўйича чоратadbирлар” дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурда мелиоратив объектларда таъмирлаш-тиклаш, қурилиш ва реконструкция қилиш ишларини тизимли равишда амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Сўнгги йилларда бир гектар кишлок хўжалик ерларидан 2500-2900 сўмлик ялпи маҳсулот етиштирилмоқда. Агарда ҳар бир гектар фойдаланилмаган ердан 2500 сўмдан маҳсулот етиштириш таъминланганда эди, ясама фойдаланилмаган ерлардан қўшимча 875 млн. сўмлик ялпи маҳсулот етиштирилган бўлар эди. Бу бой берилган имкониятлар ҳисобланади. Шундай экан, келажакда уларни мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаб кишлок хўжалик оборотига киритиш лозим.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 9 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-484-сонли қарор асосида Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги томонидан 7 та лойиҳа бўйича ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Хукумат қафолати билан 2007 йилга Инвестиция дастурига киритилган ушбу 7 та лойиҳанинг режалаштирилган қиймати 42,57 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, шундан қиймати 13,97 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 3 та лойиҳа қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги ҳисобига тўғри келади.

“Ўзбекистон Дренаж лойиҳаси, Жанубий Қорақалпоғистондан дренаж ўтказиш лойиҳаси” бўйича 2007 йил учун белгиланган 12,90 млн. АҚШ доллари – 11,40 млн. АҚШ доллари миқдорида этиб (тўғриланди) корректив қилинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 декабрдаги ПҚ-230-сонли қарорига асосан амалга оширилаётган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятлари суғориладиган ерларнинг сув таъминотини ошириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун экскаваторлар, бульдозерлар ва земснарядлар сотиб олиш лойиҳаси бўйича 3,3 млн. АҚШ доллари Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Инвестиция дастурига қўшимча қилиб киритилганлиги ижобий ҳолдир.

2007 йил январь-декабрь ойларида 8 та лойиҳа бўйича 44,37 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, амалда эса 44,9 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиб, йиллик режага нисбатан 101 %ни ташкил қилмоқда шу жумладан:

1-лойиҳа. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан амалга оширилаётган “Ўзбекистон Дренаж лойиҳаси, Жанубий Қорақалпоғистондан дренаж ўтказиш лойиҳаси” бўйича 2007 йилда режа 11,4 млн. АҚШ доллари бўлиб, амалда 11,4 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилган, яъни йиллик режага нисбатан 100 %ни ташкил этган.

2-лойиҳа. Осие тикланиш ва тараққиёт Банки қарзи ҳисобига “Аму-Занг машина каналини қайта тиклаш” лойиҳаси бўйича 2007 йилда режа 12,0 млн. АҚШ доллари бўлиб, амалда 12,01 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилган яъни йиллик режага нисбатан 100 %ни ташкил этган.

3-лойиҳа. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун экскаватор, бульдозер

ва земснарядлар харид қилиш лойиҳасини амалга ошириш 2006 йилда бошланган. Ушбу лойиҳа доирасида 2007 йилда режа 3,3 млн. АҚШ доллари бўлиб, амалда 3,3 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилган, яъни йиллик режага нисбатан 100 %ни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 9 октябдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилга Инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-704-сонли қарори асосида Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги томонидан 11 та лойиҳа бўйича 77,75 млн. АҚШ миқдоридagi ишларни амалга оширилиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 17-18 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига қилган ташрифлари чоғида қўйилган вазифаларни амалга ошириш, жойлардаги мавжуд масалаларни ҳал этиш чора-тадбирлари тўғрисида 2007 йил 28 май кунидagi 02-1-107-сонли Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида ва Хоразм вилояти ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш Баёнларининг 11-банди 6-қисмидаги топшириққа асосан 2008-2009 йилларда Хитой Халқ Республикаси кредитлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига кўшимча 30 та экскаватор, 10 та бульдозер, 4 та земснаряд олиб келиш лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланган.

Ҳисоб китобларимизга кўра, республика миқёсида келажакда ерларни ирригацион ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича улкан ишларни амалга ошириш талаб этилади. (3.1.1-жадвал).

3.1.1-жадвалдан кўриниб турибдики, келажакда қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини ривожланиши мамлакат бюджетидан маблағларнинг жалб этилиши, банк кредитларининг ўсиши ҳамда чет эл инвестицияларининг жалб этилиши натижасида ирригация ва мелиорация техникаларини сотиб олиш, мавжудларидан самарали фойдаланиш натижасида юқорида кўрсатилган тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш мумкин.

2010 йилларгача амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар<sup>1</sup>

№	Тадбирлар номи	Ўлчов бирлиги	Йиллар				
			Жами	2005	2006	2007	2008-2010
1.	Янги ерларни ўзлаштириш	минг.га	90.0	10.0	12.0	15.0	50.0
2.	Мелиоратив ҳолати ёмон бўлган ерларни оборотга киритиш	минг.га	255.0	30.0	35.0	40.0	150.0
3.	Кучли шўрланган ерларни яхшилаш.	минг.га	190.0	30.0	32.0	35	93.0
4	Ерларни сув билан таъминлаш	минг.га	150.0	20.0	25.0	25.0	80.0
5	Хўжалик ичидаги: -суғориш шохобчаларини -коллектор-завурларни тузатиш	минг	37,7	5,0	6,0	6,0	20,0
		км.	13,5	2,0	2,5	2,0	7,0
6	Хўжаликлараро: -суғориш иншоотларини -коллектор-завурларни тузатиш	минг.	4.8	1.0	1.0	1.0	1.8
		км.	4.5	0.7	1.0	1.0	1.8
7	Ерларни капитал текислаш	минг.га	110.0	15.0	17.0	20.0	58.0

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932 сонли “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига 2008 йил 19 мартдаги ПҚ-817-сонли “2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг давлат дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Вилоят ҳокимликлари билан биргаликда “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини 2008-2010 йилларда яхшилаш бўйича чора-тадбирлар” дастури ишлаб чиқилган.

<sup>1</sup> Манба: Жадвал Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги маълумотлари асосида тузилган.

Дастурда мелиоратив тизимларни ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтирилган қуйидаги иш турларини ўз ичига камраб олган, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг биринчи навбатдаги тадбирлар мажмуасини амалга ошириш мўлжалланган:

1. Магистрал ва хўжаликлараро зовурлар, мелиоратив тик кудуқларни, мелиоратив насос станцияларини қуриш ва қайта тиклаш, ёпиқ-ётиқ дренажларни тиклаш.

2. Хўжаликлараро зовурлар тизимларидаги мелиоратив объектларни тизимли равишда таъмирлаш ва тиклаш лойиҳалари асосида насос станцияларини гидротехника ва сув ўтказувчи иншоотларни ва бошқа мелиоратив объектларини таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш.

3. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан шуғулланувчи сув хўжалиги қурилиши ва сувдан фойдаланиш ташкилотлари, шунингдек сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва фермер хўжалиklarининг моддий-техника базасини яхшилаш мақсадида мелиорация техникаси ва асбоб-ускуналарни харид этилиши белгиланган.

Суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ишлар учун 2008-2012 йиллар учун 604,2 млрд. сўм маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳисобидан 2008 йилда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган комплекс тадбирларни амалга ошириш учун жами 75,0 млрд. сўм маблағни ўзлаштириш режалаштирилиб, шундан мелиоратив объектларда қуриш ва қайта тиклаш ишлари учун 25 млрд. сўм, таъмирлаш, қайта тиклаш ва тозалаш ишлари учун 15 млрд. сўм ҳамда мавжуд мелиоратив техникалар базасини янгилашга 35 млрд. сўм маблағ йўналтирилади. Жумладан:

- ерларни мелиоратив ҳолатини комплекс яхшилашга қаратилган мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш бўйича 426 та устувор тизимли лойиҳалар ишлаб чиқилиб, 25 км магистрал, 926,2 км туманлараро, 22883,8 км хўжаликлараро зовур-дренаж тармоқлари таъмирланади;

- 122 дона мелиоратив насос станциялари, 3426 дона назорат кудуқлари, 2151 дона мелиоратив кудуқлар, 122 дона сув ўлчам нукталари жорий ва капитал таъмирланади, 599 дона қувурли ўтиш жойлари қайта ётқизилади;

- республика бўйича 2008 йилда 229,2 км узунликдаги зовур тармоқларида реконструкция қилиш ва 37 та устувор тизимли лойиҳалар бўйича қурилиш ишлари амалга оширилиб, қуйидаги иншоотларни қуриш режалаштирилган;

- мелиоратив насос станциялар: Фарғонада – 6 дона, Хоразмда -3 дона;

- дюкерлар: Қашқадарёда – 1 дона, Фарғонада – 3 дона;

- сув тўсиш иншоотлари: Фарғонада – 2 дона;

- шаршара (перепад): Жиззахда – 1 дона, Сурхондарёда – 1 дона;

Дастур билан белгиланган тадбирларни бажариш учун мелиоратив техникаларнинг қўшимча талаби аниқланиб, 2008 йилда 180 дона экскаватор, 46 дона бульдозер ва бошқа мелиоратив техникаларнинг харид қилиниши белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Самарканд, Сирдарё вилоятларида 84,9 км туманлараро зовурларни қуриш ва тугаллаш белгиланган. Бу масофанинг 66,9 км. тугалланмаган қурилиш ҳисобланади. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида “Шуманай” ва “Нукус”, Сирдарё вилоятида “Шўрўзак” зовурлари бунга мисол бўлади.

Дастур бўйича барча вилоятларда туманлараро 1592,8 км. Зовурларни таъмирлаш назарда тутилган. Жумладан, Бухоро вилоятида 304,1 км, Қашқадарё вилоятида 267,2км, Қорақалпоғистон Республикасида 219,6 км. зовурларни қайта тиклаш режалаштирилган.

2008-2012 йиллар учун ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурида зовур тармоқларидаги гидротехник ва сув ўтказиш иншоотларини таъмирлаш ишлари ҳажми, уларнинг меъёрий иш тартибини таъминлаш учун 5,5 минг донадан кўпроқ, шу жумладан қувурли ўтиш жойлардан 4,3 мингта зовур-дренаж тармоғи иншоотларини таъмирлаш кўзда тутилган.

Кейинги йилларда уларни қайта жойлаштириш ишлари олиб борилмаганлиги туфайли сув ўзани горизонтларга тақалиб, суғориладиган ерлардан дренаж сувининг чиқиб кетишини ёмонлаштирган ва тармоқ ишининг самарадорлигини пасайтирувчи омиллардан бири бўлиб келган. Ўтиш жойларини қайта жойлаштириш бўйича ишлар ўта муҳим ҳисобланади. Худудлар бўйича қараганда Қорақалпоғистон Республикасида 905 дона, Хоразм вилоятида 677 дона, Сирдарё вилоятида 691 дона, Фарғона вилоятида

589 дона зовур-дренаж тармоғи иншоотларини таъмирлаш белгиланган.

Қувурли ўтиш жойларини қайта жойлаштириш бўйича ишлар учун 13,46 млрд. сўм ажратилган бўлиб, шундан 0,95 млрд. сўм 2008 йилга тегишлидир.

Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги маълумотларига кўра, республиканинг зовур тармоқларида сизот сувларини ўз оқими билан чиқариб юборишнинг иложи бўлмаганлиги туфайли, зовур-дренаж сувларини бошқа жойга қуйиш учун 96 та насос станцияларидаги жами 278 та агрегатлар эксплуатация қилинади. Дастур бўйича 654 дона агрегатларни янгисига алмаштириш ва таъмирлаш белгиланган, бу ишларнинг асосий қисми Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бажарилади (323 дона ёки жамига нисбатан 49,4%). 2008 йилда тизимли таъмирлаш таркибида 122 дона агрегатларнинг таъмирланиши белгиланган. Бу ишларга дастур бўйича таъмирлаш-тиклаш ишларининг нархи 5,2 млрд. сўмни ташкил этиб, шу жумладан, 2008 йилга 0,6 млрд. сўмни ташкил қилади.

2012 йилга келиб қурилиш ишлари ҳажмини 2008 йилга нисбатан 4 марта, таъмирлаш – тиклаш ишларини 23,8 минг км.дан 26,5 минг км.гача ошириш кўзда тутилган. Республикадаги экскаваторларнинг умумий сони 2077 дона бўлиб, булардан 15 йилдан ортиқ эксплуатация қилингани 1282 дона, қайта тиклаш мумкин бўлмагани 414 дона. Экскаваторларнинг сув хўжалиги ташкилотлари балансидаги қисми 1035 дона бўлиб, улардан 136 таси фойдаланишга яроқсиз. 2005-2007 йилларда сув хўжалиги эксплуатацияси ташкилотларининг ер қазिश техникаси инвестиция лойиҳалари ҳисобига 179 донага кўпайди, жумладан шу йилларда “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш” лойиҳаси бўйича 46 экскаватор ва 10 бульдозер харид қилинган. 2008-2012 йилларда республиканинг мелиоратив объектларида ишлаб чиқариш талабларига жавоб бера оладиган тавсифга эга бўлган 508 дона экскаваторлар, ёпик дренажларни ювиш учун 75 дона дренажювиш агрегатлари ва 91 дона ёрдамчи техникаларни харид қилиш кўзда тутилган.

Қурилиш ва эксплуатация ташкилотларининг моддий-техника базасини ошириш мақсадларида техника воситалари харид қилиш учун жами 103,87 млрд. сўмлик маблағ ажратилади. Жумладан, 2008 йилда техника сотиб олиш учун жами 35,0 млрд. сўм ажратиш кўзда

тутилган бўлиб, 180 дона эксковаторлар, 46 дона бульдозерлар, 20 дона дренаж ювиш агрегатлари, 26 дона механизмларни ташиш учун траллерли шатакчилар ва бошқа техникалар харид қилинади.

Шунингдек, 2008 йилда, XXI аср кредити ҳисобига амалга оширилаётган тўртта лойиха бўйича 141 дона экскаватор ва 10 бульдозер сотиб олиш кўзда тутилмоқда.

Республикада ердан фойдаланиш ва кишлоқ хўжалигига яроқли ер майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ;

- ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишда юзага келаётган асосий тўсиқлардан бири – ер майдонларининг шўрланиш даражаси ортиб бориши ҳисобланади. Бунда суғориладиган майдонларда коллектор зовурлар тармоғини тўлиқ қайта қуриш, бошқа майдонларда эса коллектор-зовурлар тармоғини таъмирлаш ишларини амалга ошириш оркалигина ер майдонларига сарф қилинган маблағлар қайтишига эга бўлиш мумкин;

- ер майдонлари шўрланишига қарши курашишда иккиламчи шўрланишнинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу вазифани амалга ошириш учун фермер хўжаликларига тегишли бўлган ички хўжалик зовурлари ва шунингдек, хўжаликлараро зовур тармоқларини тозалаш ишларини бажариш талаб этилади;

- кишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишни таъминлашда шўр ювиш ишларининг сифати ва тупроқ таркиби, шўрланиш даражаси, ер майдонлари рельефини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш лозим;

- Республикада эрозияга мойил бўлган кишлоқ хўжалиги ерлари худудлари кўплиги эрозияга қарши тадбирлар амалга оширилишини тақозо этади. Шамол эрозиясига мойил бўлган ерларни рекультивация қилиш ва ихота дарахтзорлари барпо этиш биринчи даражали ишлардан ҳисобланади. Бунда адир ерларда зинапоялар ташкил этиш, каналлар ва жарликлар ёқалаб дарахтзорлар барпо этиш шамол кучи юқори бўлган туманлар учун муҳим аҳамиятга эга. Енгил кумли таркибга эга бўлган тупроқли ерларда оралик экинлардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ;

- янгидан ўзлаштирилаётган ерларда тупроқни маданийлаштириш, унумдор чириндили қатлам ҳосил қилишга алоҳида аҳамият бериш лозим. Янги ўзлаштирилган ерларда дастлабки 5-6 йил мобайнида буюртма асосида режалаштириладиган

кишлоқ хўжалиги экинлари эмас, тупроқ унумдорлигини оширувчи дуккакли экинлар экиш мақсадга мувофиқ;

- сув танқислиги сезилаётган hozirги даврда экинларни суғоришда янги технологияларни қўллаш хўжаликларга иктисодий жиҳатдан самара келтириши билан биргаликда, сув эрозиясига қарши курашда ҳам катта самара беради. Бунда ер майдонларининг жойлашиш ўрни, рельефи, тупроқ механик таркибига боғлиқ равишда ўқариқларни белгилаш, суғориш меъёрларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга;

- сўнгги йилларда экин майдонларининг унумдорлиги пасайиб бораётганлигида ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб бораётганлиги билан бир қаторда алмашлаб экиш тизимининг издан чиқиши ҳам сабаб бўлган. Айниқса, экин майдонлари таркибида беда экини майдонлари камайиб бориши, тупроқ табиий унумдорлигини экологик жиҳатдан ўта хавфсиз усуллар ёрдамида ошириш имкониятини кескин чеклаган.

Шу боисдан ҳам илмий асосланган алмашлаб экиш тизимини жорий этиш ўта долзарб масалалардан ҳисобланади. Айниқса пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларида алмашлаб экиш тизими умуман кўзда тутилмасдан қолмоқда. Чунки фермер ижарага олган ер майдонига тўлиқ ихтисослигида кўзда тутилган экин экилиши (давлат буюртмасига кирган кишлоқ хўжалиги экинлари) маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан доимий равишда назорат қилиниб борилмоқда.

Сувдан фойдаланувчи фермер ва деҳқон хўжалиklarининг сувдан фойдаланиш режаларида қуйидаги тадбирлар ўз аксини топмоғи лозим:

- кишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун белгиланган суғориш режимларига риоя этиш ва суғориш усулларининг оптимал жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда белгиланган лимит доирасида сувдан оқилона ва тежаб-тергаб фойдаланиш;

- суғориш тармоқлари ва экин майдонларида сувнинг исроф бўлишини (ерга шимилиб кетиши, буғланиши, белгиланган муддатдан ортиқ оқиши, ўқариқлар ва зғатларни ювиб кетиши) максимал даражада камайтириш ва суғориш техникасини мукамаллаштириш;

- шўр ювиш орқали ернинг мелиоратив ҳолати ва унумдорлигини мутгасил ошириб бориш;



- зовурларни тозалаб туриш эвазига ер ости сизот сувларининг кўтарилиб кетишининг олдини олиш;

- суғоришни механизациялаштириш ва суғоришнинг илғор усуллари қўллаш орқали тупрокнинг ҳосилдор зарраларини ювилиб кетишига йўл кўймаслик ва бошқалар.

### **3.3. Қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини яхшилаш йўллари**

Ўзбекистоннинг суғориладиган минтақаларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг йил сайин ошириб бориш биринчи навбатда, у ерда мавжуд бўлган ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга узвий боғлиқдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш қатор омиллар мажмуаси билан аниқланади, қайсики булар ичида тупроқ унумдорлигини ошириш ва экинлар структурасини яхшилаш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланган.

Хўжалик юритишнинг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш амалий жиҳатдан қишлоқ хўжалигида ер майдонларининг кенгайишига олиб келмайди. Шу билан бирга, ер турларини оқилона, тўғри жойлаштириш натижасида (тупроқ-иклим шароитларини, жойнинг рельефини, ишлаб чиқаришни иқтисодий рентабелли ташкил этиш талабларини ва бошқаларни ҳисобга олиш асосида) мақсадга мувофиқ, иқтисодий жиҳатдан асосланган ва ишлаб чиқариш нуқтаи-назаридан, ердан ўта самарали фойдаланишга эришилади, бу эса, ўз навбатида қишлоқ хўжалигида ер майдонларининг кўпайиши билан баробардир. Масалан, кўп йиллик мевали дарахтзорларни суғориладиган текислик майдонларидан тоғ олди ва тоғли минтақаларга кўчириш ҳисобига пахта мажмуасидаги ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари учун катта майдонлардаги суғориладиган ерларни бўшатиш мумкин бўлади; пахта мажмуасидаги экинларни қумли, тошли ва бошқа яроқсиз ерлардан анчагина унумдор ерларга кўчириш деҳқончилик маҳсулотлари миқдорларини ошириш имконини беради ва ҳоказо. Бу тўғрисида жуда кўп марта гапирилди. Аммо, энг асосийси - бу хўжалик тармоқларини имкони борича самарали қўшиб олиб бориш ва уларни хўжалик ҳудудида мақсадга мувофиқ ҳолда жойлаштириш, тупроқ унумдорлигини ошириш учун агротехника жиҳатдан асосланган шароит яратиш ва хўжаликнинг бошқа тармоқлари (чорвачилик, қайта ишлаш, ёрдамчи хўжалик) билан

узвийликни таъминлайдиган муқобил ҳажмлардаги кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан иборат. Албатта, бунда биринчи навбатда экология, ерларни бузилишидан ва ифлосланишидан муҳофазалаш талаблар бажарилишини таъминланиш зарур.

Ўтказилган тадқиқотлар шундан далолат берадики, суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим йўли - бу пахта, шоли, сабзавот ва бошқа мажмуалардаги илмий асосланган алмашлаб экишлар асосида экин майдонларининг таркибини такомиллаштиришдан иборатдир. Бу эса, ўз навбатида, кишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширади, чорвачиликни ривожлантириш учун мустаҳкам ем-хашак базасини яратади, тупроқ унумдорлигини оширади. Масалан, "Пахта" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг маълумотларига қараганда, фақатгина алмашлаб экишни жорий қилиш натижасида пахта ҳосилдорлиги 10-15% ошади, пахтани вилт билан зарарланиши кескин камаяди<sup>1</sup>. Бундан ташқари, алмашлаб экиш таркибида етиштирилган пахтанинг анча катта қисми олий ва биринчи навлар билан етиштирилади. Бу эса, ўз навбатида, ўртача сотиш баҳосининг ошишига олиб келади. Ўзбекистон "Пахтачилик" институтида ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, минерал ўғитлар ёрдамида монокультура сифатида экилган пахтанинг ҳосилдорлиги 32.0 ц/га тенг бўлган, таркибида 70% пахта, 30% беда бўлган алмашлаб экишдаги пахтанинг ҳосилдорлиги гектарига 40ц. ташкил этган. Бундан ташқари, гектарига 180.0 ц. беда ҳам йиғиштириб олинган<sup>2</sup>. Бундай маълумотлар алмашлаб экишнинг аҳамиятини яна бир қарра тасдиқлайди.

Аммо эътироф этиш зарурки, кейинги йиллари ушбу масалага эътибор сусайди. Суғориладиган майдонларда қисман бўлса-да, тадбиқ қилиниб келинаётган алмашлаб экишлар издан чиқди. Тўғри, республикамиз аҳолисини дон ва дон маҳсулотлари билан тўлароқ таъминлаш, дон мустақиллигига эришиш учун 90-йиллардан кейин пахта майдонлари қисқариб дон майдонлари кенгайди. 1993 йили республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўздаверлойиҳа" институти ва бошқа қатор муассасалар биргаликда таркибида пахта-дон-беда бўлган алмашлаб экиш схемаларини ишлаб чиқишган ҳамда амалиётга тавсия

<sup>1</sup> Г.А.Талинов. Земельные ресурсы Узбекистана и проблемы их рационального использования. Т.: 1992, с.138.

<sup>2</sup> З.Турсунхаджаев, А.Болкунов. Научные основы хлопковых севооборотов. Т.: Мехнат, 1987, с.135.

этишган. Лекин қишлоқ аҳолиси томорқа ерларининг кенгайтирилиши, қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланишни турли шаклларини жорий этила бошланиши, хўжалик юритиш шаклларининг ўзгарганлиги, жумладан ширкатлар, фермер хўжаликлари ташкил этилиши каби объектив ҳамда бошқа субъектив сабабларга кўра ушбу алмашлаб экишлар ҳам қишлоқ хўжалигига тўла жорий этилмади. Бундан ташқари, қатор хўжаликларда "бедасиз алмашлаб экиш"ни қўлланилиши тупроқ унумдорлигининг пасайиб кетишига, вилт касаллигининг тарқалишига, пахта ҳосилдорлигининг камайишига, тола сифатининг бузилишига олиб келди.

Сугориладиган ерлар унумдорлигини тиклаш ва оширишнинг асосий йўлларида бири, юқорида таъкидланганидек, хўжаликларнинг ихтисосликларига қараб изчиллик билан алмашлаб экишни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги экинлари структурасини такомиллаштиришдан иборатдир. Тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

а) тупроқ сифатини даврий равишда (ҳар 5-6 йилда) баҳолаб бориш. Бу иш бир томондан тупроқ табиий унумдорлигининг мавжуд ҳолати тўғрисида зарурий маълумотлар беради. Иккинчи томондан эса, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги тўғри белгилаш имконини беради.

б) қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлашни яхшилаш. Жумладан, соф модда ҳисобида ҳар йили 1079.0 минг тонна минерал ўғит, шундан азотли ўғитлар - 670 минг тонна, фосфорли ўғитлар 371 минг тонна, калийли ўғитлар эса - 38 минг тоннани ташкил этади<sup>1</sup>. Кейинги йилларда минерал ўғитларни етказиб беришни кўпайтириш уларни республикамизда ишлаб чиқарилишини кўпайиши ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ўсишига ва солинадиган минерал ўғитлар таркибининг яхшиланишига қараб кўпайтирилиши мумкин.

в) Сугориладиган ерларда алмашлаб экишни жорий этиш. пахтачилик комплексига - пахта-бошоқли дон экинлари-беда; шолічилик комплексига - шолі-беда-бошоқли дон экинлари ва мелиоратив майдонлар; сабзавот комплексига-сабзавот-полиз экинлари, картошка-беда, бошоқли дон экинларини экиш лозим.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги маълумотлари.

Бу ерда шуни алохида эътироф этиш зарурки, юкоридаги таркибларда алмашлаб экишни тўла жорий этиш ва амалга ошириш hozирги куннинг энг мураккаб ҳамда долзарб масаласи ҳисобланади. Мураккаблиги шундаки, 1990 йиллардан бери кишлок хўжалигида юз бераётган таркибий ўзгаришлар натижасида хўжаликлар сони, турлари кескин ошиб кетди, майдонлари эса нисбатан камайди. Бундай турли типдаги хўжаликларнинг табиий, тупроқ, иклим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ихтисосликларига мос келадиган алмашлаб экиш схемаларини яратиш зарур. Ҳатто кичик майдонларга эга бўлган фермер хўжаликлари учун ҳам уларнинг ихтисосликларига мос келадиган алмашлаб экиш схемаларини ишлаб чиқиш ва тавсия этиш зарур бўлади.

Маълумки, республика бўйича охириги йиллари 980.0 минг - 1.0 млн.га.га буғдой экиб келинмоқда. Бу майдонларнинг аксарият қисми кузда экилиб ёз ойларининг бошида йиғиштириб олинади. Ҳисоб-китоблар кўрсатадики, деярли 500.0 минг га ерга такрорий экинларни бемалол экиб улардан юқори ҳосил олиш мумкин. Шу сабабли бундай такрорий экинлардан мош, ловия, соя, гречиха, кунгабоқар экинларини экиш тавсия этилади. Бу экинлар бир томондан одамлар учун тўйимли озиқ-овқат маҳсулоти бўлса, иккинчи томондан чорвачилик учун ҳам мустаҳкам ем-хашак манбаи бўлиб хизмат қилади ва ниҳоят, учинчи томондан, айниқса, дуккакли экинлар (соя, мош, ловия) тупроқни табиий азот моддаси билан бойитади.

Албатта, янги типдаги турли кишлок хўжалик корхоналари майдонларида илмий асосланган алмашлаб экишни тўғри жорий этиш, уни амалга оширишни йўлга қўйишда, энг аввало, майдонларни ташкил этиш лойиҳаларини, яъни ички хўжалик ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш зарур бўлади. Шу билан бир вақтда шуни ҳам аниқ эътироф этиш зарурки, юкорида қайд қилинган қатор сабабларга кўра кўпчилик ички хўжалик ер тузиш лойиҳалари катта ҳажмда зарурий ўзгаришлар киритишни талаб қилмоқда. 1990-1993 йилларда кишлок хонадонлари томорка ерлари майдонларини кенгайтириш билан боғлиқ бўлган зарурий ҳамда фойдали бўлган ер тузиш ишларининг барча хўжаликларда бажарилганлиги ҳам мавжуд ҳолатни янада мураккаблаштирди, негаки бунинг натижасида ҳам алмашлаб экиш издан чиқди. Шу сабабли ҳам республика "Ер ресурслари" Давлат кўмитаси, унинг вилоятлардаги бошқармалари,

"Ўздаверлойиха" институти ва унинг вилоятлардаги бўлинмалари олдида хўжаликларнинг ихтисосликларига мос алмашлаб экишларни қўллаган ҳолда ўз мазмуни ва моҳияти бўйича янги типдаги майдонларни ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш каби катта вазифалар туради. Тўғри, ушбу лойиҳаларни ишлаб чиқиш мумкин, лекин тўла амалга ошириш масаласи ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида жуда мурққаб вазифадир. Аммо, тупрок унумдорлигини тиклаш ва уни ошириш, ерларни шўрланишдан ёки қайта шўрланишидан қисман бўлса ҳам сақлаш давлат аҳамиятига молик масала деб қаралса, алмашлаб экишни жорий қилиш асосида майдонларни ташкил этиш лойиҳасини амалиётга тўла тадбиқ қилиш ҳам давлат томонидан катъий назорат қилиниши зарур.

Ерлардан шароитларни эътиборга олган ҳолда турлича схемада фойдаланиш мумкин, чунончи:

I-вариант 35:40:25;

II-вариант 50:50;

III-вариант 100;

I-вариантда ҳозирги даврдаги экин майдонлари салмоғи сақланган ҳолда 35 фоизига ғалла, 40 фоизига пахта, 25 фоизига кўп йиллик ўтлар. II-вариантида 50 фоизига пахта ва қолганига кўп йиллик экинлар. III- вариантыда ҳаммасига кўп йиллик экинларни экиш мумкин. Агарда шу мелиоратив ҳолати яхшиланган ерларга дастлабки йилларда кўпроқ кўп йиллик экинлар, яъни беда экилса, бу ерларнинг унумдорлиги келажакда юқори бўлиши таъминланади. Шунинг билан биргаликда, чорва ҳайвонларини ҳам мустаҳкам озуқа базаси таъминланиши учун имконият пайдо бўлади. Шунинг натижасида илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишнинг ҳам жорий этилиши, тикланиши таъминланади. Лекин алмашлаб экишни тиклаш учун фермерларга берилаётган ер майдонини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир, чунки пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларга 10-20 гектаргача ер берилганда алмашлаб экишни жорий этиш мураккаблашади. Чунки уларга пахта ва ғалла ишлаб чиқариш бўйича давлат бюджети берилади. Буюртмани бажариш учун эса фермер алмашлаб экишни бузишга мажбур бўлади. Сабаби у шу маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Чорвачилик тармоғи унда йўқ, шунинг учун у беда экишни ўйламайди ҳам. Агарда бедани экиб, алмашлаб экишни сақлашга ҳаракат қилса, у ҳолда етиштирган кўп йиллик

Ўтларни сочишга қийналиши мумкин. Шунинг учун ҳам фермер кўп йиллик ўтларни экишни ўйламайди. Шундай экан, келажакда бу масалани ҳал этишни ҳам ўйлаш лозим, кишлок хўжалик ерларидан, айниқса, экин майдонларидан самарали фойдаланиш яъни ҳар бир гектардан кўпроқ ҳосил, фойда олиш учун юкоридаги тадбирлар билан биргаликда минерал ҳамда маҳаллий ўғитлардан тўлик, оқилона фойдаланиш зарур. Бунинг учун кишлок хўжалигини норматив миқдорида минерал ўғитлар билан таъминлашга эришиш лозим. Ҳозирги даврда бир гектар экинга атиги 141 кг. миқдорда минерал ўғит солинмоқда. Бу меъёрдагига нисбатан салкам 4 марта камдир. Даставвал кишлок хўжалигига етказиб берилаётган минерал ўғит миқдорини 1991 йилдаги даражага етказиш лозим. Бунинг учун кишлок хўжалигига 700 минг тоннага яқин миқдордаги минерал ўғитни етказиб беришга давлат кўмаклаши лозим. Бундай ёрдам берилмаса кишлок хўжалик корхоналари ўзлари ҳал этолмайдилар. Чунки уларнинг маблағлари ўғитларни сотиб олиш учун етмайди. Шунинг учун давлат кишлок хўжалигини минерал ўғитлар ҳамда бошқа кимёвий воситалар билан таъминлашга қаратилган дастур ишлаб чиқиши лозим. Бу дастурда давлат буюртмасини бажарилиши ҳам кўзда тутилиши керак. Бу билан кишлок хўжалик корхоналари минерал ўғитларни ўзлари сотиб олмайди деган сўз келиб чиқмайди. Балким давлат буюртмасини таъминлайдиган миқдордаги минерал ўғитларни давлат етказиб бериши керак, хўжаликлар эса ўзлари эркин сотадиган маҳсулотларини етиштириш учун ўзлари сотиб олишлари лозим.

Ҳозирги даврда экин майдонларига маҳаллий ўғит ҳам кам солинмоқда, чунки чорва хайвонлари барча хўжаликларда мавжуд эмас. Кўпчилик фермер хўжаликларига умуман чорва хайвонлари йўқ. Шунинг учун улар экинларга маҳаллий ўғит солишмайди. Бу сўзсиз ернинг унумдорлигини пасайишига олиб келади. Нагизада ерлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги паст бўлади, алмашлаб экишни жорий этиш ҳамда экинларни минерал ва маҳаллий ўғитлар билан таъминлаш учун қуйидаги даражага эришиш мақсадга мувофиқдир<sup>1</sup>.

Келажакда	фоизда
Экин турларининг салмоғи	26-30,0
ғалла экинлари	26-30,0
техника экинлари	40-45

<sup>1</sup> Давлатнинг аграр сиёсати / Х.П.Абдулхосимовнинг илмий таҳрири остида –Т.: Akademiya, 2006 170-бет.

картошка, сабзавот, полиз	8-10
Озуқа экинлари	26-15
Жами	100

1 гектар экин майдонига

солинадиган ўғитлар миқдори, жами кг/га 550-600

азотли ўғит кг/га 300-350

фосфорли ўғит кг/га 180-220

Калийли ўғит кг/га 70-30

Бу рақамлар хўжаликларнинг йўналишларини эътиборга олган ҳолда ўзгариши мумкин. Маълумки, парвариш этилаётган экинлар бизнинг шароитимизда маълум миқдордаги минерал ҳамда маҳаллий ўғитларга муҳтож. Чунки экинларни экиб етиштириш оқибатида бир қанча миқдордаги минерал ўғитлар сарфланади. Шу сарфланган ўғитларни ўрнини тиклаш учун эса минерал ва маҳаллий ўғитларни экиш майдонларига албатта солиш зарур. шунинг билан биргаликда ўғит тўплайдиган экинларни ҳам экиш лозим.

Республикада жами қишлоқ хўжалик ерларининг 88,5 фоизини яйлов ҳамда пичанзорлар ташкил этади. У ерларда асосан кўйчилик ривожланган. Бу соҳани янада ривожлантириш учун яйлов ва пичанзорларнинг унумдорлигини ошириш мақсадида турли хилдаги озуқа экинларининг уруғини сепиш ва уларни сув билан таъминлаш тадбирларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида таъкидланган техникавий, агротехник тадбирларни амалга оширилиши натижасида ерлардан фойдаланиш даражаси ҳамда самарадорлиги юксалиши мумкин (3.3.1 жадвал).

3.3.1-жадвалдан кўриниб турибдики, аниқланган рақамлар абстракт бўлиб, улар реал ҳаётга яқинлаштирилган. Чунки ер чекланган ресурс бўлганлиги муносабати билан ундан имкон даражасида тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилинади. Яъни бир гектарга яқин бўлиши мумкин экан. Назарий жиҳатдан биринчи бўлиши мумкин, лекин амалиётда паст бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам юқорида келтирилган тадбирлар белгиланди. Ерлардан фойдаланишнинг ҳам иқтисодий самарадорлиги доимо юқорига интилади.

Истикболда айрим тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ҳар бир гектар ердан олинадиган ялпи маҳсулот 5,5 фоизга ошиб 3 минг сўмни ташкил этиши мумкин. Бу ердан

фойдаланиш самарадорлигини 5,5 фоизга ошганлигидан далолат беради.

### 3.3.1 жадвал

#### Келажакда (2010й) қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигини ҳисоби

№	Кўрсаткичлар	Улчов бирлиги	Вариантлар		
			I	II	III
1.	Сугорияладиган ерлардан фойдаланиш коэффиценти		0,960	0,970	0,980
2	Ғалла экинлар салмоғи	%	30,0	34,0	38,0
3	Техника экинлар салмоғи	%	40,0	44,0	48,0
4	Картошка, сабзавот, полиз экинлар салмоғи	%	5,0	8	10
5	Озуқа экинлар салмоғи	%	25	14,0	4,0
6	Экинлар ҳосилдорлиги				
	Ғалла	ц/га	40,0	45,0	50,0
	Пахтани		20,0	22,0	25,0
7	Жами инвестиция суммаси	млрд. сўм	100,0	170,0	250,0
8	1га қишлоқ хўжалиги ердан олинадиган ялпи маҳсулот қиймати	минг сўм	3,0	3,7	4,8

Иккинчи вариантда эса анчагина ишларни амалга оширилиши натижасида ердан фойдаланишнинг даражаси 0,050 га, самарадорлиги эса 30,1 фоизга ошиши мумкин. 3 вариантда эса қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш коэффиценти 0,060 га самарадорлиги эса 68,8 фоизга ошиши мумкин экан. Лекин бунинг учун 250 млрд. сўмга яқин инвестицион маблағни сарфлаш талаб этилади.

Қишлоқ хўжалик ерларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш жараёнига шу тармоқда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотлар ҳам таъсир этади. Жумладан, давлатнинг баҳо сиёсати қишлоқ хўжалик корхоналарига ғалла ва пахта бўйича давлат буюртмасининг берилиши муносабати билан уларни харид нархлари давлат томонидан белгиланмоқда. Давлат харид нархлари эркин бозор нархларидан анчагина паст бўлган. Бу муаммони бартараф этишнинг турлича усуллари мавжуд. Масалан, давлат пахта ва ғалла ишлаб

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси маълумотлари



чиқариш дастурини яратиш лозим. Унда шу дастурга аъзо бўлганлар учун турли хилдаги имтиёзларини шакллантириши мумкин. Яъни, солиқлар бўйича ишлаб чиқариш воситаларини етказиб бериш ва уларнинг нархлари бўйича ва бошқа имтиёзлар берилиши мумкин.

Бундан ташқари, эркин пул-товар муносабатларини амалга ошириш бўйича ёки давлат буюртмаларини таъминлайдиган барча харажатларни, техникаларни, кимёвий воситаларни ва бошқа воситаларини давлат етказиб бериши мумкин. Бозор талабини кондириш мақсадида бошқа маҳсулотларни эса хўжаликлар ўзлари ишлаб чиқишлари мумкин.

Маълумки, республикамизда суғориладиган майдонларни кенгайтириш сув ресурсларининг чегараланганлиги сабабли чеклангандир. Шу сабабли ҳам охириги йилларда катта майдонларга сув чиқариш, уларни ўзлаштириш ва кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришига тортиш деярли тўхтаган. Янги ерларни ўзлаштириш ҳозирги кунда асосан ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ажратилган ерлар ҳисобига амалга оширилмоқда. Шундай экан, кишлок хўжалик маҳсулотлари миқдорларини ошириб бориш, аҳолини шу маҳсулотларга бўлган талабларини кондириш, асосан, ушбу мавжуд суғориладиган ер майдонлари маҳсулдорлигини ошириш, ушбу мавжуд ерлардан жадал равишда фойдаланиш ҳисобига амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида, республика вилоятларида экилаётган кишлок хўжалиги экинлари таркибини такомиллаштиришни такозо қилади. Негаки бу бир томондан табиий, ижтимоий-иқтисодий шароитлар билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан охириги йиллари республикамиз вилоятларига чет эл инвестицияларининг кириб келиши натижасида бу ерларда маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналарининг вужудга келаётганлиги билан боғлиқ. Шуларни эътиборга олган ҳолда республика минтақалари бўйича қуйидаги экинларни жойлаштириш мақсадга мувофиқдир:

- Қорақалпоғистон Республикасида - пахта, бошоқли дон, шоли, қандлавлаги, ноанъанавий экинлар, дуккакли ва ёғли экинлар масхар, нўхат, кунгабоқар, супурги экинларини экиш;

- Хоразм вилоятида - ўрта толали пахта, дон, қанд лавлаги, сабзавот ва шоли етиштиришни қўшиб олиб бориш;

- Қашқадарё ва Сурхандарё вилоятларида пахтанинг ўрта ва ингичка толали навлари нисбатини уйғунлаштириш, йилига 2 марта ҳосил олган ҳолда дон етиштиришни ривожлантириш (кузги

бошокли дон ва такрорий маккажўхори, оқ жўхори, тарик, сули ва х.к.), эртанги ва кечки сабзавотлар ҳажмини кўпайтириш;

- Бухоро ва Навоий вилоятларида ўрта толали пахта етиштириш, ғаллачиликни ривожлантириш;

- Самарқанд вилоятида ўрта толали пахта, уруғлик ва товар дон, сабзавот, мева, узум ва тамаки етиштиришни ривожлантириш;

- Жиззах ва Сирдарё вилоятларида пахтачилик билан биргаликда ғаллачилик, сабзавотчилик ва полизчиликни ривожлантириш;

- Тошкент вилоятида пахта, каноп, дон, мева-сабзавот экинлари ва узум етиштириш;

- Фарғона водийси вилоятларида пахта, товар дон, уруғлик дон, сабзавот, мева ва узум етиштириш.

Суғориладиган ерлар самарадорлигини ошириш мақсадида, ноанъанавий, шўрга чидамли ер ёнғоқ, нўхат, кунгабоқар етиштириладиган майдонларни кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, кузги дон ўрнига такрорий экинлар етиштиришни катъий йўлга қўйиш зарур. Такрорий экин сифатида асосан соя, кунгабоқар, кунжут, дон ва силос учун маккажўхори етиштириш яхши самара беради. Шунингдек, тупрок унумдорлигини ошириш ва чорвачиликни мустаҳкам ем-хашак базаси билан таъминлаш учун оралик экинларини ҳам экишни йўлга қўйиш зарур. Умуман юкоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, тупрок унумдорлигини ошириш ва кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришини бозор муносабатларига мос ҳолда ривожлантириш, ўз навбатида, илмий асосланган алмашлаб экишни тўғри йўлга қўйишга ҳамда минтақалар бўйича кишлок хўжалик экинлари таркибини такомиллаштиришга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

## ХУЛОСА

Ер иктисодий ресурс, ишлаб чиқариш воситаси сифатида меҳнат жараёнининг зарурий моддий шарт-шароити ва энг муҳим ашёвий омили ҳисобланади, аграр муносабатларнинг объекти сифатида намоён бўлади. Қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерлар миқдори бир мунча камайиб бормоқда ҳамда унинг балл-банитети пасаймоқда, мелиоратив ҳолати қониқарсиз аҳволга тушиб қолмоқди. Шу боисдан ҳам, қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш муҳим вазифа бўлиб қолди. Айниқса, суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш, унинг сифати ҳамда мелиоратив ҳолати бўйича Қорақалпоғистон Республикасида мураккаб вазият вужудга келди.

Қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишда фермер, деҳқонлар масъулиятини ошириш лозим бўлади. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида, “Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонунларида фермер ва деҳқон хўжалиқларининг ернинг сифатини пасайиши, қаровсиз, экилмай, ташландик ҳолга келтириб қўйган ҳолатларда маъмурий, ҳатто жиноий жавобгарликка тортиш ҳамда, уларнинг ушбу ерлардан фойдаланиш ҳуқуқларини бекор қилиш кўзда тутиладиган моддалар билан бойитиш, шунингдек, ерлардан фойдаланиш бўйича масъулиятини оширишга қаратилган тегишли ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932-сонли “Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг тизимларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, “2008-2010 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг давлат дастури тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда улар асосида ишлаб чиқилган “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини 2008-2012 йилларда яхшилаш давлат дастури” нинг бажарилишининг мониторингини ташкил этиш ҳамда уларни бажариш бўйича Қишлоқ ва Сув хўжалиги Вазирлигининг тегишли бошқармалари ходимлари ва жойлардаги ҳокимликларнинг масъулиятини ва манфаатдорлигини ошириш бўйича меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши лозим.

Ушбу фармон, қарор, дастур асосида Қорақалпоғистон Республикасида суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича минтақавий дастур ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш лозим. Бу дастур Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг кенг қамровли дастурининг таркибий қисми сифатида киритилиши керак.

Жанубий Қорақалпоғистондан дренаж ўтказиш, лойиҳаси, шунингдек, ҳудуддаги суғориладиган ерларнинг сув таъминотини ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун эксковаторлар, бульдозерлар ва земснарядлар сотиб олиш лойиҳаси учун инвестициялар жалб этишни кучайтириш, уларни молиялаштиришни Ўзбекистон Республикасининг 2008-2010 йиллардаги инвестициялар дастурига қўшимча қилиб киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Қорақалпоғистон Республикасида “Шуманай” ва “Нукус” зовурларининг тугалланмаган қурилишини охирига етказиш учун қўшимча чора-тадбирлар кўриш, маблағлар манбаларини топиш лозим. Бунга хорижий мамлакатлар, ҳомий халқаро ташкилотлар маблағларини жалб этиш лозим. Зовурларни қайта тиклаш ишларига СФУ, фермер хўжаликларини жалб этиш, аҳолининг эса хашар йўли билан иштирок этишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Қорақалпоғистон Республикасида ихтисослаштирилган сув қурилиши ва эксплуатация ташкилотларини ташкил этишни рағбатлантириш, лозим ҳудудда ер тузиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида, ушбу ишларда иштирок этиётган қурилиш ташкилотлари, ҳомий ташкилотларга фермер хўжаликларига солиқ ва кредит олиш бўйича қўшимча имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш лозим.

Суғориладиган майдонларда коллектор зовурлар тармоғини тўлик қайта қуриш ва таъмирлаш, шу жумладан ички хўжалик зовурлари хўжаликлараро зовур тармоқларини тозолаш ишларини бажариш ҳудуддаги СФУ, фермер хўжаликлари ва маҳаллий аҳолидан талаб этилиши керак.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, улардан самарали фойдаланиш, сув ва ер эрозиясига қарши курашиши учун сувчилар, мироблар малакасини ошириш, экинларни суғоришда янги технологияларни қўллаш, ер майдонларининг жойлашиш ўрни, рельефи, тупроқ механик таркибига боғлиқ равишда ўқарикларни белгилаш, суғориш меъёрларини аниқлаш лозим.

Қишлоқ хўжалиги экинларини алмашлаб экиш илмий асосланган схемасини минтақаларнинг табиий хусусияти, тупроқ унумдорлиги даражасига мослаб ишлаб чиқиш, унга rioя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Суғориладиган ерларда алмашлаб экишга rioя этилиши таъминланиши керак, пахтачилик комплексида пахта-бошоқли дон экинлари - беда; шолитчилик комплексида шоли - беда - башоқли дон экинлари ва мелиоратив майдонлар: сабзавот комплексида: сабзавот - полиз экинлари, картошка беда бошоқли дон экинлари. Уларнинг нисбати ҳар бир худуднинг хусусиятларига кўра аниқланиши лозим.

Қорақалпоғистон Республикасида суғориладиган ерларнинг камлигини балл банитетининг нисбатан ёмонлигини ҳисобга олиб пахта, бошоқли дон, шоли, қанд лавлаги, ноанъанавий экинлар, дуккакли ва ёғли экинлар, масхар, нўхат, кунгабоқор, супурги экинларни экишга эътиборни кучайтириш керак. Бу ерда шўрга чидамли ерёнғок, нўхат, кунгабоқор етиштириладиган ер майдонларини кенгайтириш, кузги дон ўрнига такрорий экин сифатида соя, кунжут, кунгабоқор, дон ва силос учун маккажўхори етиштириш яхши самара беради. Тупроқ унумдорлигини ошириш ва чорвачиликни мустақкам ем-хашак базаси билан таъминлаш учун оралиқ экинларни ҳам экишни йўлга қўйиш зарур.

## ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Қонунлар ва бошқа ҳуқуқий, сиёсий, расмий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни, 1998 йил 30апрель.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида” (янги таҳрирда)ги қонуни, 2004 йил 26 август.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги Фармони, 2003 йил 24 март.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги 2006 йил 9 октябрдаги ПҚ 484-сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2008 йилги инвестиция дастури тўғрисида”ги қарори, 2007 йил 9 октябрь. ПҚ-704-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг тизимларини тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Фармони, 2007 йил 29 октябрь.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сугориладиган ерларни 2008-2012 йилларда мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида”ги 2008 йил 19 мартдаги ПҚ-817-сонли қарори.

### II. Китоб ва рисоалар

1. Қаримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараккиёти – тўкин ҳаёт манбаи. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Қаримов И.А. Ўзбекистон ХХI асрга интиломқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Қаримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
4. Қаримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.

5. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. –Т.: Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёти йўли. –Т.: Ўзбекистон, 2007.
7. Каримов И.А. Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатдир. Т.: Ўзбекистон, 2007.
8. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш-барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
9. Абулқосимов Х., Комилов Р. Фермер хўжаликларини ривожлантириш масалалари. -Т., Иқтисод-молия, 2007
10. Аграр соҳада ислохотларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш муаммолари ва счимлари. –Т: Мехнат, 2003.
11. Бекмуродов А.Ш. ва бошқалар. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар ва фермерлик ҳаракати. - Т.: ТДИУ нашриёти, 2006.
12. Давлатнинг аграр сиёсати / Ҳ.П. Абулқосимовнинг илмий таҳрири остида. – Т.: Академия, 2006.
13. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. - Т.: Университет, 2005.
14. Қишлоқда ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш асослари. - Т.: Ижод дунёси нашриёт уйи, 2004.

### **III. Журнал ва газеталари илмий тўпламлардаги мақолалар**

1. Абдуллаев Э., Шамайрамов У. Ердан фойдаланиш ҳуқуқи // О'zbekiston qishloq xo'jaligi. 2007. 12-сон.
2. Примов Ш. Мелиорация- ҳосилдорлик ва даромадни ошириш гарови // О'zbekiston qishloq xo'jaligi. 2007. 12-сон.
3. Холдарова Ў. Ер билан тиллашиб // О'zbekiston qishloq xo'jaligi. 2007. 12-сон.
4. Чориёр Ер-барака манбаи // О'zbekiston qishloq xo'jaligi. 2007. 2-сон.
5. Болтаев А. Ерга эътибор-элга эътибор // О'zbekiston qishloq xo'jaligi. 2008. 2-сон.
6. Аҳмедов С. Коллектор-дренажларни тозалашнинг самарали технологияси // О'zbekiston qishloq xo'jaligi. 2008. 3-сон.

7. Назаров Р. Сув тақчиллигини қандай енгиш мумкин? // O'zbekiston qishloq xo'jaligi. 2008. 3-сон.
8. Ибрагимов Р. Инвестициялар тараққиёт омили // O'zbekiston qishloq xo'jaligi. 2008. Наврӯз сони.
9. Чориёр Ер кадри // O'zbekiston qishloq xo'jaligi. 2008. Наврӯз сон.

#### **IV. Статистик тўплам ва манбалар**

1. Ўзбекистон иқтисодиёти таҳлилий шарҳ 2004й. –Т., 2005.
2. Ўзбекистон иқтисодиёти Ахборот ва таҳлилий шарҳ 2005 йил – Т; 2006.
3. Ўзбекистоннинг 2006 йилги статистик ахборотномаси Т., 2007.
4. Ўзбекистоннинг 2007 йилги статистик ахборотномаси Т., 2008.
5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.
6. Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари



## 2.1.1-илова

Ўзбекистон Республикаси тупроқларининг сифат баҳоси<sup>1</sup>

	Емон ерлар		Уртачадан паст ерлар		Уртача ерлар		Яхши ерлар		Энг яхши ерлар		Жами	Уртача балл
	I класс	II класс	III класс	IV класс	V класс	VI класс	VII класс	VIII класс	IX класс	X класс		
	БАНИТЕТ		БАЛЛАР									
	0-10	11-20	21-30	31-40	41-50	51-60	61-70	71-80	81-90	91-100		
<b>Қорақалпоғистон республикаси</b>	йўқ	1919	29810	237202	69846	46458	24497	6801	-	-	416533	41
<b>Вилоятлар</b>												
Андижон	-	311	9593	34322	39801	45187	50547	38267	6015	35	224078	57
Бухоро	-	1038	16521	57391	42070	55294	40843	19456	83	-	232696	50
Жиззах	-	105	3607	40717	143261	48533	30379	7413	2809	-	276824	50
Қашқадарё	-	-	3455	71977	198976	87416	50375	25003	8177	-	445379	51
Наманган	-	235	13499	45776	47117	36667	32553	33383	18181	1301	228712	59
Навоий	-	3358	9618	15253	17668	18200	20423	12853	2099	-	99472	52
Самарқанд	-	41	2044	29478	72263	89756	57187	38321	16770	547	306407	57
Сурхондарё	-	704	11047	43203	59838	79317	50049	20985	6915	-	272058	56
Сирдарё	-	144	7302	66610	94579	55203	40414	4840	-	-	269092	49
Тошкент	-	-	2631	37586	86361	67968	74385	45380	14600	29	329021	59
Фарғона	-	1426	8043	59139	56142	83586	67580	33001	5570	452	314939	56
Хоразм	-	625	8839	46298	34932	82052	49291	11848	102	-	205718	53
<b>Республика бўйича</b>	-	9906	126009	784950	962854	795637	588523	297551	81321	2364	3649115	55

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. -Т., 2007 42-бет маълумотлари.

## 2.2.1-илова

Қорақалпоғистон Республикаси туманлари бўйича асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экин  
майдонлари (гектар)

Туманлар	Дон ва дон маҳсулотлари			Бугдой			Шоли			Пахта хом ашёси			Позил маҳсулотлари			Сабзавот маҳсулотлари	
	1991	2005	%	1991	2005	%	1991	2005	%	1991	2005	%	1991	2005	%	1991	2005
ҚҚР жами	112070	92867		7728	58742		88833	26211		149595	102921		13053	5605		7007	5451
Амударё	3505	7208		285	4822		1056	-		20462	17669		999	445		823	900
Беруний	4351	4535		286	4061		2780	-		14838	12181		891	437		541	401
Бозатау	1470	-		57	-		563	-		630	-		323	-		103	-
Канликўл	17644	8895		703	5245		16202	3312		5265	3010		785	363		399	155
Қароўлак	14471	7872		473	4599		12939	2891		6230	3277		463	446		217	127
Кегейли	1458	6317		70	4340		372	1180		16077	7007		558	391		140	404
Қўнғирот	17986	9767		535	5413		16218	3890		4165	4073		1014	603		610	246
Мўйноқ	187	762		-	527		-	132		-	-		243	119		103	81
Нукус	8636	13558		460	3290		7597	9930		-	-		2677	512		1148	792
Тахта кўpir	16489	6442		216	4532		14983	1721		1789	2569		456	119		296	29
Тўрткўл	4479	5893		1818	5196		2015	-		17980	14225		816	446		785	860
Хўжайли	2381	4731		423	3501		1096	544		17626	13910		1092	417		555	365
Чимбой	13055	8452		576	5071		11074	2540		10573	5320		609	620		333	408
Шўманай	1881	4345		428	4088		639	41		16065	7040		778	137		292	129
Эликқалъа	4047	4577		1398	4052		1267	-		17895	12640		1346	547		722	454
Нукус ш	30	2		-	2		30	-		-	-		5	-		-	84
Тахияташ	-	11		-	3		-	-		-	-		-	-		-	1616

## 2.2.2-илова

**Корақалпоғистон Республикаси туманлари бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий турларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши (тонна)**

Туманлар	Дон ва дон маҳсулотлари			Бугдой			Шоли		Пахта хом ашёси			Полиз маҳсулотлари		Сабзавот маҳсулотлари	
	1991	2005	%	1991	2005	%	1991	2005	1991	2005	%	1991	2005	1991	2005
<b>ҚҚР жами</b>	328504	212172	64,6	6710	154893	2308,8	29896	43903	286062	184124	64,3	65828	52912	98159	28370
Амударё	5340	21060	394,3	282	15341	5440,0	1434	-	50196	36059	71,8	7143	8458	7083	5091
Беруний	6088	14003	230,0	272	13237	4866,5	2767	-	29795	19806	66,5	5859	4055	9797	2383
Бозатяу	2298	-	-	5	-	-	1054	-	738	-	-	786	-	1634	-
Канликўл	56271	13998	24,9	355	9219	2596,9	54780	4586	6769	4665	68,9	2892	1066	2581	614
Қароўзак	48930	14771	30,2	654	11321	1731	47759	2887	10638	5571	52,4	2528	859	3925	1207
Кегейли	2264	15999	706,4	47	13159	27997	5412	2100	27418	11819	43,1	1260	2433	5220	1605
Қўнғирот	64679	181889	28,1	670	12851	1918,0	62435	4912	5628	5959	105,8	2992	1865	5545	990
Мўйнов	229	1280	558,9	-	1028	-	-	174	-	-	-	478	234	1917	347
Нукус	33863	29436	86,9	536	6857	1279,3	32478	22231	-	-	-	15010	4901	29340	1835
Тахта кўпир	49200	14567	29,6	93	10097	1085,6	47132	4247	2711	4458	164,4	1238	138	2990	587
Тўрткўл	4009	18097	451,4	1216	17656	1451,9	4776	-	37078	27220	73,4	11331	11044	5541	2656
Хўжайли	3125	10838	346,8	338	9108	2694	4391	695	34837	23176	66,5	4578	1779	8550	1291
Чимбой	45669	14781	32,4	420	11550	2750	43603	2028	14507	7755	53,4	1236	4439	3146	5229
Шўманая	2535	10619	118,8	258	10195	3953	818	43	24486	9583	39,1	2359	904	5154	376
Эликқалъа	3954	14513	367,0	15604	13261	208,5	969	-	41261	28053	67,9	6138	10423	5736	4159
Нукус ш	50	6	-	-	6	-	50	-	-	-	-	-	269	-	-
Тахияташ	-	15	-	-	7	-	-	-	-	-	-	-	45	-	-

Қорақалпоғистон Республикаси туманлари бўйича асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари  
ҳосилдорлиги, ц/га

Туманлар	Дон ва дон маҳсулотлари		Бугдой		Шоли		Пахта хом ашёси		Сабзавот маҳсулотлари		Полиз маҳсулотлари	
	1991	2005	1991	2005	1991	2005	1991	2005	1991	2005	1991	2005
ҚҚР жами	29,3	23,9	8,7	26,4	33,6	19,7	19,5	19,5	93,9	87,5	75,2	57,7
Амударё	15,2	29,2	9,9	31,8	13,6	-	24,5	22,3	86,8	94,0	70,9	114,4
Беруний	14	30,9	9,5	32,5	9,9	-	20	17,2	108,3	95,6	109,9	60,1
Бозатау	15,6	-	8,8	-	18,7	-	11,7	-	76,3	-	50,6	-
Кянликўл	31,9	17,0	5	17,6	33,8	16,9	12,8	16,7	72,5	79	32,9	25,1
Қароўлак	33,8	21,9	13,8	24,6	36,4	16,0	17,1	19,1	106,5	67,9	84,8	49,9
Кегейли	15,5	25,3	6,7	30,3	14,5	17,8	17,1	17,9	90,0	60,2	93,5	41,0
Қўнгирот	36	21,0	12,5	23,7	38,5	17,4	13,5	15,5	49,1	82,5	54,6	27,7
Мўйнок	12,2	17,7	-	19,5	-	13,2	-	-	46,4	33,4	78,8	30,4
Нукус	39,2	23,4	11,7	20,8	42,8	24,9	-	-	130,7	55,2	109,5	41,7
Тахта кўпир	29,8	22,6	4,3	22,3	31,5	24,7	15,1	19,6	41,8	47,6	65,6	49,3
Тўрткўл	9	33,6	6,7	34,0	8,8	-	20,6	22,1	144,8	112,7	67,2	59,6
Хўжайли	13,1	22,9	8	26,0	13,6	12,8	19,7	17,4	82,5	48,1	78,2	31,0
Чимбой	35	17,8	7,3	22,8	39,4	8,4	13,7	20,0	37,1	109,1	51,6	84,3
Шўманай	13,5	24,4	6	24,9	12,8	10,5	15,2	14,4	101,6	70,1	66,2	24,4
Элликқалъа	9,8	31,7	11,2	32,7	7,6	-	23,0	23,2	85,0	161,3	42,6	76,0
Нукус ш	16,7	30,0	-	30,0	16,7	-	-	-	-	32,0	-	-
Тахияташ	-	13,6	-	23,3	-	-	-	-	-	28,1	-	-

**Абулқосимов Ҳасан Пирназарович**

**Халимбетов Анвар Олламбергенович**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Мухаррир  
Саҳифаловчилар

Э.Бозоров  
Б.Гафурова

Босишга рухсат этилди 14.10.2008.

Қоғоз бичими 60x84 1/16.

Ҳисоб-нашр табоғи 5.0 б.т. Адади 100. Буюртма № 115

“IQTISOD-MOLIYA” нашриёти, 700084, Тошкент, Кичик ҳалқа йўли  
кўчаси, 7-уй.

Тошкент Молия институти босмаҳонасида ризограф усулида чоп этилди.  
700084, Тошкент, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй.





4000 c